БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 130 (17.710). • 6 июнь 1980 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

«КОСМОС—1184» ПАРВОЗДА

1980 йил 4 июнда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1184» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишламоқда. Координациялаш-ҳисоблаш марказн олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

СССР Министрлар Советининг Раиси

ўртоқ Алексей Николаевич КОСИГИНга

Азиз ўртоқлар!

Совет ва венгер космонавтларининг биринчи марта биргаликда космосдаги эксперименти муваффақиятли тугаллангаллиги муносабати билан Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети, Венгрия Халқ Республикаси Президиуми ва Министрлар Совети номидан, бутун венгер халқи номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига қардошларча саломимизни ва энг яхши истакларимизни йўллаймиз.

Бизнинг халқимиз космонавтларнинг парвозини ва уларнинг «Салют-6», «Союз-35», «Союз-36» орбитал космик комплексида олиб борган ишини ғоят қизиқиб ва ифтихор билан кузатиб турди. Халқаро экипажнинг яхши тайёрланган илмий ва техника-эксперименталарини муваффақиятли ўтказганлиги ва космосни тинч ўзлаштириш соҳасида олиб борилаётган жуда катта ишларида янгидан-янги муваффақиятларга эришишга ўз ҳиссасини қўшганлигидан ғоят қувондик ва руҳландик. Совет мутахассисларининг космосдаги тадқиқотлари ва «Интеркосмос» программаси доирасида биргаликда космосга қилинган парвозлар каби космосни тадқиқ қилишдаги ҳамкорлик соҳасида амалга оширилган бу катта воқеа ҳам, Совет Иттифоқининг ғоят буюк иқтисодий ва илмий қудратидан, социализмнинг ҳеч сўзсиз афзаллигидан, социалистик интернационализм принципларига асосланган ҳамкорликнинг жуда катта имкониятларига эга эканлигидан далолат беради.

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, Сизга, азиз ўртоқ Алексей Николаевич Косигин, Сизга, космик парвозни амалга оширишда қатнашган барча космонавтлар, олимлар ва инженерларга, ишчиларга Венгрия Халқ Республикаси граждани космосга муваффақиятли учиш иштирокчиси бўлганлиги учун Венгрия халқининг самимий миннатдорчилигини изҳор этамиз. Бутун совет халқига коммунизм қурилишида, Совет Иттифоқининг гуллаб-яшнашини таъминлашда, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолишда чин кўнгилдан янада улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Янош КАДАР,
Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари,

Пал ЛОШОНЦИ,
Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси,

Дьердь ЛАЗАР,
Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси.

ДАЛА ИШЛАРИГА—СУРЪАТ ВА СИФАТ!



СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Ангор районидаги Куйбишев номли колхознинг Ҳайдар Бозоров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ингичка толали пахта етиштириш мажбуриятини олишган. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун ҳар бир ниҳолни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Деҳқон меҳрига қонган ғўзалар баравж ўсмоқда. Суратларда: бригада бошлиғи Ҳ. Бозоров (ўнгда) ва илғор механизатор Ш. Холмуродов ҳамда ғўзага ишлов бериш пайти тасвирланган.

Е. Ботиров фотолари.

5 МИЛЛИОН 850 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» УЧУН

БОШ ВАЗИФАМИЗ

Деҳқон иродаси ва қудрати пахтадан юқори ҳосил етиштиришнинг бош омили. Табиат нечоғли ўжарлик қилмасин, пахтакор деҳқонлар ўз иродаси, қудрати, техника воситаларини унга қарши қўйиб ҳамиша енгиб чиққанлар, «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштириб, катта ғалабага эришганлар.

Кўплар қатори менинг умрим ҳам пахтазорда ўтяпти, оғлим ҳаётимни пахтачиликка бахшида этиб келяпман. Бирор йил йўқки, унда пахтакорлар ҳамиртаг қил суғиргандек осонлик билан талаба маррасига етган бўлсинлар, турли қийинчиликларда табиий қийинчиликлар учраб туради. Бу йилги қийинчиликлар нималардан иборат бўлди?

Қорақалпоғистон Автоном республикасида об-ҳаво ноқулайликлари туфайли чигит экиш кечикди, ниҳоллар чинбарг чиқарганда анчагина майдонларнинг ғўзасини сел, дўл олди, қайта-қайта қатқалоқ пайдо бўлди, бегона ўтлар кўпайди.

Ютуқларимиз нималардан иборат? Гектарларнинг тўла, кўчатларнинг сонининг бут бўлишини таъминладик. Ҳозир Автоном республикамиз бўйича ҳар гектар майдонда тупроқ унумдорлигига қараб 120—150 минг тупгача кўчат сонига эгамиз. Культивацияни барвақт бошладик, чопиқ, ягана, озиқлантиришга эрта эрта кириштик. Хуллас, ҳалол меҳнат билан қайта чигит экилган майдонларнинг ғўзаларини ҳам зарарланмаган пайкаллар ғўзалари даражасига етказиб олдик.

Совхозимиз далаларида 71 чопиқ трактори ишлаяпти, ҳар бири билан кунига 5—6 гектар майдонда культивация ўтказилляпти. Менимча, кунлик графикни ҳозирча бундан оширмаслик керак. Бордн-ю, тракторларнинг теалиги оширилса, ёш ғўзаларни тупроқ босиб қолади, иш сифатсиз бажарилади. Ғўзаларнинг амал олиши тезлашиб, илдиз системаси мустаҳкамланиб олгандан кейин 7—8 гектар ва ундан кўпроқ майдонда культивация ўтказиш мумкин ва лозим. Пахтачиликда тракторлар гилдирагининг айланиши эмас, ундан ғўзаларга тегадиган наф назарда тутилиб иш кўрилмоғи даркор.

Совхоз маъмурияти СУЗ аппарати осилмаган бирорта чопиқ трактори бўлмаслиги ҳақида буйруқ чиқариб, жуда тўғри иш қилди. Биз ҳамма тракторларга ўғитлагичлар ўрнатиб ишлатяпмиз. Бунинг сабаби бор. Ёш ниҳоллар озуқага муҳтож бўлиб қолди. Шуни ҳисобга олиб ҳар гектар майдонга беш юз килограммгача минерал ўғитларни кўп миқдорда органик ўғитларга қориштириб қатор ораларига соляпмиз. Мутахассислар тупроқ картограммасига риоя қилган ҳолда ҳар гектар майдонга ўғитларнинг қайси туридан қанча солишни аниқ белгилаб бермоқдалар. Бу йилги шароитда ғўзаларнинг йиллик ўғит нормаси нечоғли эрта қатор ораларига солинса, унинг фойдаси шунча кўп бўлади. Биз барча ўғитларни июнь ойи ичида тўла ерга солишни режалаб олдик.

Касбим механизатор бўлганлиги сабабли кўп йиллик тажрибамдан шу кунларда зудлик билан амалга оширилиши зарур бўлганларни айтиб ўтмоқчиман. Чопиқ тракторларини тонг саҳардан коронги тушгунча тўла қувват билан ишлатиш керак, бекор туриб қолишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки ғўза парвариши давримда чопиқ тракторлари ёрдамида бир вақтнинг ўзида уч-тўрт хил ишни бажариш мумкин. Масалан, қатор ораларини юмшатиш, эгат олиш, хашаротларга қарши дори сепиш ва бошқа ишларни бир механизатор бир вақтнинг ўзида ado этадики, уларни қўл кучи билан бажариш амри маҳолдир.

Механизаторлар кечқурун тракторларни техника кўригидан ўтказиб, эрта тонгдаги ишга шайлаб қўйишлари лозим. Даҳлдор кишилар ёнилги, эҳтиёт қисмларни барвақт етказиб беришлари, кўчма устахоналар дала бошида хизмат кўрсатишни яхшилашлари даркор. Бизга чопиқ тракторининг бекор туриб қолиши фавқулодда ходиса деб қораланиши лозим. Ишда миқдор билан сифат бир-бирига узвий равишда боғлаб олиб борилгандагина яхши натижага эришилади.

Баъзи механизаторлар ишда миқдор кетидан қувиб сифатга эътибор бермайдилар. Бу ўз-ўзини алдашдир. Саёз культивация ёки қатор ораларида кесак кўчишидан нима фойда? Ишни шундай бажариш керакки, ҳар галги культивациядан кейин тупроқ майин ҳолга келсин, унинг қатламига қуёш нури, ҳаво, ёруғлик чуқур сингсин. Шунда ғўзаларнинг амал олиши, ўсиши, ривожланиши тезлашади, барвақт ҳосилга киради.

Одатда ҳар галги суғоришдан кейин культивация ўтказилади. Лекин ҳар доим ҳам шундай қилинади деб бўлмайди. Айрим ҳолларда ер етилиши билан культивация қилинмайди-да, оқибатда тупроқ қатламидан нам қочади, кесак кўчадиган бўлиб қолади. Кесак кўчгач ғўзаларнинг илдизи узилиб, шамоллаб касалликлар пайдо бўлади. Ер росмана етилмасдан туриб қатор ораларини юмшатиш ҳам яхши натижа бермайди. Хулоса шуки, механизаторларимиз ғўза тупларининг сони, ҳосил тақдири учун жавобгардирлар. Шунинг учун агротехниканинг энг муҳим тадбири культивацияни ўз вақтида, сифатли ўтказишлари керак.

Мен шу кунларда ғўза қатор ораларида культивацияни 18—22 сантиметр чуқурликда, 45—50 сантиметр кенгликда ўтказяпман. Бизнинг ер шароитимиз шуни талаб қилади. Бошқа жойларда шароитни ҳисобга олиб чуқурлик ва кенгликни ўзгартириш мумкин. Бунда агрономлар, механиклар ишбилармонлик билан ташкилотчилик қилишлари керак. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам культиваторларнинг ишчи органлари мукаммал бўлиши шарт. Культиваторнинг икки четидаги ишчи органлари саёзроқ, ўртадаги ишчи органлари чуқурроқ ўрнатилса, тупроқ жуда майин ҳолга келиб, илдиз системаси тез ривожланади ва соғлом ўсади, озуқадан яхши баҳраманд бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, культивация пайтида қатор оралари нечоғли кенгроқ юмшатилса, чопиқчиларнинг иши шунча осонлашади, айниқса, бегона ўтлар камаяди.

Ҳар бир механизатор ўзининг шахсий социалистик мажбуриятига эга бўлиши, уни куима-кун бажариб бориши лозим. Менинг шахсий мажбуриятимга келганда шуни айтиш керакки, Карл Маркс номли бўлимнинг асосий майдонларига ўзим чигит экканман, ўша майдонларда культивацияни ҳам ўзим ўтказяпман. Умуман бу йилги ғўза парвариши мавсумида 950 гектар майдондаги ниҳолларга хилма-хил ишлов бераман, янги ўзлаштирилган 100 гектар майдонни ҳам қўшиб ҳисоблаганда гектаридан ўртача 40 центнердан «оқ олтин» хирмони етиштиришга кўлимдан келган ҳиссамни қўшаман.

Биз механизаторлар парвариш соат сайин кучайтирилаётган шу кунлардан бошлаб кузги машина теримини кўзлаб иш тутмоғимиз лозим. Тажриба шуни кўрсатдики, ўстиришга қолдирилган ниҳоллар мавсум охиригача тўла сақлаб қолинса, агротехника мудатларида сифатли парвариш қилинса, серҳосил қилиб ўстирилса, пахта эртаги бўлса машиналар юқори унум билан ишлайди, калта бўғин ғўзаларнинг ҳосили, айниқса, мўл ва эртаги бўлади. Шуни ҳар дақиқа ёдда тутмоғимиз керак. Мен бу йил машинада камида 400 тонна пахта теришга ҳам сўз берганман ва бунинг уддасидан чиканман.

Механизаторларимиз олдида турган муҳим вазифалардан яна бири терим техникасини мавсумга ҳозирлаш яхши тайёрлашдан иборат. Бунинг учун автотрактор парклари, техника ремонти устахоналарида ремонтчилар, хусусан механиклар, слесарлар, токарлар ва бошқа касб эгалари ўз фаолиятларини кучайтиришлари даркор, токи яқин фурсатда пахта терим машиналари, қўсак узиш, чувиш, тўкилган пахтани териш механизм-агрегатлари шай қилиб қўйилсин, зарур тошилган жойларда ёрдамчи кучлар ажратиш зарур.

Яна бир муҳим масала бор. Бунда гап тежамкорлик ҳақида боради. Биз кўп сорти юқори, таннарҳи арзон пахта етиштирмоғимиз керак. Ҳар бир механизатор бир кунда сифатни биринчи ўринга қўйгани ҳолда камида бир ярим-икки кунлик графикка тенг келадиган норма бажарсин! Шунда айрим жойларда учраб турган ғўза парваришидаги судралишни йўқотамиз, ҳамма майдонлардаги ғўзаларнинг амал олишини тезлаштирамиз.

Ниҳоят, қишлоқ хўжалик зараркунандаларини бутунлай йўқотиш чораларини кўрмоғимиз даркор. Ҳозир минг сўмлик химикатлар сарфлаб зараркунандаларни йўқотсак, кузга бориб ўн минг, юз минг сўмлик қўшимча пахта оламиз. Химизаторларимиз бу борада механизаторлар билан бир сафда туриб астойдил жонбозлик кўрсатишлари лозим.

Социалистик мусобақа ҳаммамизни ҳар доим янги зафарларга чорлаб келди ва чорлаяпти. Механизаторларимизнинг ҳаммаси мусобақага қўшилишлари, бир-бирларининг ишларини назорат қилиб боришлари, билмаганларини ўрганиб, билганларини ўзгаларга ўргатишлари лозим. Мусобақага ҳар беш кунда, ўн кунда якун ясайлик, расмиятчилик ва йўл қўймайлик. Ғолибларни рағбатлантириб бориш керак.

Механизатор— дала гвардиячиси деган шарафли номга эгамиз. Ғўза парваришидан тортиб, пахта йиғим-теримининг охиригача гвардиячасига меҳнат қилиб, номимизни шарафлайлик, сафимизда қолоқлар, норма бажармовчилар, графикдан орқада қолувчилар бўлмасин!

Холиқназар БЕКНАЗАРОВ,
Кегайли районидаги М. Жуманазаров номли совхоз механизатори, СССР Олий Совети депутати.

МАШИНАСОЗЛАРНИНГ МАРРАЛАРИ

«Узбексельмаш» бирлашмасидаги Г. Илязов бошлиқ йиғувчилар бригадаси бир меъёрда пахта ишлай бошлади. Меҳнатнинг янгича ташкил этилиши коллектив аъзоларининг бир-бирлари билан маҳкам алоқа боғлаб ишлашни таъминлади, меҳнатнинг пировард натижалари уларнинг манфаатдорлигини оширди. Буларнинг ҳаммаси йиғувчиларнинг ишлаб чиқаришдаги нўрсаткичларига дарҳол ижобий таъсир ўтказди. Бригада смена топшириқларини доим ортиғи билан бажариб, бутун маҳсулотни биринчи сортга топшириб келмоқда.

Г. Илязов бригадаси бирлашмада меҳнатнинг пировард натижаларига қараб ишчиларга ҳақ тўлаш тартибини жорий этган бешта бригаданинг биридир. Бригада методидан самарали фойдаланиш пландан ташқари кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришнинг муҳим резерви бўлиб қолди. Бу эса машинасозларнинг коллектив томонидан олинган дастлабки натижаларини мажбуриятларни қайтадан кўриб чиқишлари учун имконият яратиб берди.

Узбексельмашчилар КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартияси XX съезди очилишини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, шу йилнинг охиригача пландан ташқари 800 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарамиз, деб ваъда бердилар. Ваҳолонки, коллективнинг шу йил бошида қабул қилинган социалистик мажбуриятларида 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган эди. Узбексельмашчилар топшириқдан ташқари 500 минг сўмлик, яъни планда мўлжалланганидан 200 минг сўмдан ошиқ ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, программадан ташқари 400 минг сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари ва запас қисмларини реализация этишга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

ОРБИТАДА МАНЕВР ҚИЛИНДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 4 июнь. (ТАСС). Леонид Попов билан Валерий Рюмининг ер атрофи орбитасида ишлай бошлаганига саккиз ҳафта тўлди.

Илмий-тадқиқот комплексининг учиш программасига мувофиқ бугун «Союз-36» космик комаси қайтадан туташтирилди.

Илгари хабар қилинганидек, космонавтлар Кубасов ва Фаркашин станцияга элтиб қўйган «Союз-36» транспорт кемаси агрегат бўлмаси томонидан станцияга туташтирилган эди. Орбитал комплекснинг қайта созланиши келгусида «Салют-6» станциясини экипаж ҳаётн ҳамда тадқиқотлар ва экспериментларнинг планлаштириб қўйилган программасини бажариш учун зарур ёқилги ва юклар билан таъминлашга оид транспорт операцияларини ўтказиш мақсадида бажарилди.

Москва вақти билан соат 19 дан 38 минут ўтганда кема станциядан ажралиб 180 километр узоқлашди. Ҳисоблаб қўйилган вақтда иккала космик аппаратнинг ўзаро қидирув ва яқинлашув системаларн ишга солинди. Станция 180 градус бурилди, сўнгра кемаиинг станция ўтиш бўлмасида жойлашган туташтириш узелига яқинлашуви ва туташуви амалга оширилди.

Чокнинг зич беркилганлиги текшириб кўрилгандан кейин космонавтлар станция ичига ўтдилар.

Орбитада маневр қилишнинг ҳамма босқичларида экипаж аниқ ва дадил ҳаракат қилди, станция билан кемаиинг системалари бенуқсон ишлади.

Эртага Леонид Попов билан Валерий Рюмин станция ичини йиғиштирадилар, бадан тарбия билан шуғулланадилар, дам оладилар.

Экипаж ўзини яхши ҳис этмоқда.

«Салют-6» — «Союз-36» орбитал комплексининг учиш давом этмоқда.

Москва вақти билан соат 19 дан 38 минут ўтганда кема станциядан ажралиб 180 километр узоқлашди. Ҳисоблаб қўйилган вақтда иккала космик аппаратнинг ўзаро қидирув ва яқинлашув системаларн ишга солинди. Станция 180 градус бурилди, сўнгра кемаиинг станция ўтиш бўлмасида жойлашган туташтириш узелига яқинлашуви ва туташуви амалга оширилди.

Чокнинг зич беркилганлиги текшириб кўрилгандан кейин космонавтлар станция ичига ўтдилар.

Орбитада маневр қилишнинг ҳамма босқичларида экипаж аниқ ва дадил ҳаракат қилди, станция билан кемаиинг системалари бенуқсон ишлади.

Эртага Леонид Попов билан Валерий Рюмин станция ичини йиғиштирадилар, бадан тарбия билан шуғулланадилар, дам оладилар.

Экипаж ўзини яхши ҳис этмоқда.

«Салют-6» — «Союз-36» орбитал комплексининг учиш давом этмоқда.

ҒАЛЛА ДАВЛАТГА

ТЕРМИЗ, 5 июнь. (ЎзТАГ мухбири). Сурхондарё областининг ғаллакорлари давлатга яиги дон ҳосилини топширишга киришдилар. Шўрчи районидаги партия XXIII съезди номли колхоз ва Гагарин районидаги қўриқ совхозларнинг суғориладиган ерларида етиштирилган неча ўн тонналаб буғдой қабул пунктларига етказиб берилди.

Бу йил областда дон етиштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилган. Барча тайёргарлик корхоналари дон қабул қилиш ва уни сақлаш учун пухта ҳозирлик кўрдилар. Бу йил дон Шўрчи район марказида қурилаётган ун комбинатига биринчи марта топширилади. Бу комбинатнинг биринчи навбати ишга туширилди. Унда 114 минг тонна донга мўлжалланган элеватор, бир кеча-кундузда 600 тонна буғдойни ун қилиб берадиган тегирмон бор.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

ҲИСОР ҚЎЙЛАРИ

Сариосиё районидаги «Коммунизм» территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасида Ҳисор зотли қўйларни ўрнитадиган совхоз ташкил қилинди. Янги совхозга 30 минг бош қўй топширилди. Келгусида қўйларни 50 минг бошга етказиш мўлжалланмоқда. Келгуси беш йилликнинг охирига келиб, совхоз ҳар йили 600 тонна гўшт, ўнлаб тонна жун етиштириши лозим. Бундан ташқари, бу ерда Сурхондарё областидаги бошқа хўжаликларга, шунингдек Жиззах ва Самарқанд областларига ва Қозоғистоннинг жанубий районларига сотиш учун зотли жониворлар етиштириш режалаштирилмоқда.

Ҳисор зотли қўйлар сермаҳсул бўлади, вазни 80 килограммгача етади. Сурхондарё области территориясида жойлашган Ҳисор тизма тоғларининг жанубидаги тоғли ва тоғ этаги яйловлари қўйларнинг ана шу қимматли зотлари кўпайтириладиган асосий зонадир.

(ЎзТАГ).

ЧЎЛҚУВАРЛАРГА СУВ

Жиззах областининг олис хўжаликлари — Октябрь районидаги Ҳ. Олимжон номли совхозга ҳамда Арнасой районидаги Ю. Фучик номли совхозга водопровод суви келди. Бу сувни Қўйтош қувур ариғининг биринчи навбати берди. Қувур ариқ қалин тоғ жинслари остида бўлган ховуздан сув олади. Бу ерда 23 қудуқ парма ланди. Насослар уларнинг ҳар биридан секундига 27—30 литр сув тортиб чиқаради.

«Джизакдренажстрой» трестининг 25-механизациялашган ҳўчма колоннаси коллективи қувур ариқни ётқизмоқда. Ўрта Осиёда қувур ариқ ётқизишда илк бор металл ариклар ўрнига темир-бетон қувурлар ишлатилди. Коллектив ўзлаштирилган ерларда уларни зовурларга ётқизганди. Ишни қишда далалардаги пахта ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг бажаришга тўғри келди.

Қувур ариқнинг иккинчи навбати шу йилнинг июлида фойдаланишга топширилиши билан Қўйтош қувур ариғининг жами узунлиги 80 километрга боради. Ундан ҳар бир секундда 750 литр сув ўтиб туради. Бу сувдан 70 мингдан кўп чўлқувар баҳраманд бўлади.

(ЎзТАГ).

ҚАЛБГА ЯҚИН ТАРОНАЛАР

Шу кунларда Тошкентда алоҳида байрамона вазият ҳукм сурмоқда — Узбекистон ССРда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари давом этмоқда. 5 июнда дўстлик ва қардошлик байрамининг қатнашчилари Узбекистон пойтахтидаги саноат корхоналарининг меҳнаткашлари ҳузурида меҳмон бўлдилар.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғув цехида тўлқинлантирувчи учрашувларнинг бири бўлди. Самолётсозлар Озарбайжондан келган вакилларни байрам оҳанглари ва гуллар, дўстона табассум билан қучоқ очиб кутиб олдилар.

Озарбайжон ва Узбекистон халқларини қадимдан аньанавий дўстлик, коммунизм тантанаси йўлида биргаликда меҳнат ришталари боғлаб турибди. Озарбайжон ва Узбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг, турли муассасалар коллективларининг социалистик мусобақаси тобора кенгаймоқда. Озарбайжон халқ ёзувчиси Мирза Иброҳимов, бирлашманинг йиғувчи слесари Н. Маннопов ва бошқа кўпгина кишилар учрашувда ана шулар тўғрисида гапирдилар.

Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида эллиқдан кўпроқ миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Уларнинг орасида озарбайжонлар ҳам бор. Эльза Оружева бўёқчи бўлиб ишлайди, Узбекистон пойтахтини олий ўқув юртларидан бирида ўқимоқда. У учрашувда, икки қардош республика ёшларининг мустаҳкам дўстлиги тўғрисида гапирди. Бу ёшлар муштарак ишлар билан яшаб, ўз билимлари, ғайратшижоати ва талантини улуғ Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашга сарфламоқдалар.

Меҳмонлар учрашув хотираси ва дўстлик белгиси сифатида корхона коллективига Владимир Ильич Ленин тасвири туширилган гиламни совға қилдилар. Самолётсозлар Озарбайжондан келган меҳмонларга Тошкентда яратилаётган самолёт моделини топширдилар.

Кўп нусхали «Ударник» газетаси яна бир совға олди. Бу совғани СССР халқ рассоми Микаил Абдуллаев тортиқ қилди — бу совға донгдор авиасозларнинг учрашув вақтида тўпла-тўғри шу ерда — цехнинг ўзида яратилган кичик портретлари эди.

Цех ичида байрам оҳанглари янгради. Болаларнинг «Веснушки» ҳаваскор вокал нолгу ансамбли қатнашчилари шу кунни умрбод эслаб қолдилар. Чунки улар СССР халқ артисти Лутфиёр Имонов, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист Назокат Мамедова, республика халқ артисти Тожи Мамедов ва Нотавон Шейхова, Озарбайжон саҳнасининг бошқа таниқли усталари қатнашган концертни бошлаб беришга сазовор бўлдилар. Совет халқларининг метиндек бирлиги, бунёдкорлик меҳнати, бахти тўғрисида, ўз мамлакатидан фахрланиш ҳақида бу ерда қўшиқлар янгради.

Шу куни Тошкент тўқимачилик комбинатида, «Ташсельмаш» заводида, Узбекистон пойтахтининг бошқа кўпгина меҳнат коллективларида адабиёт ва санъат кунларининг қатнашчилари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Бу учрашувлар ҳамма жойда совет ўзлари бузилмас дўстлиги ва қардошлигининг, улар ўзларининг меҳнатлари билан Ватан қудратини кун сайин мустаҳкамлашга, жонажон Коммунистик партия XXV съездининг тарихий режаларини муваффақиятли равишда амалга оширишга интилаётганликларининг ёркин намойишига айланиб кетди. Тошкент меҳнат коллективларининг вакиллари ўз нутқларида озарбайжонлик дўстларига севикли Ватанни равнақ топтириш йўлида янгидан янги муваффақиятлар ва зафарлар тиледилар. Озарбайжон санъат усталарининг цехларда қўйган концертлари СССР халқлари бирлигининг гимни бўлиб янгради.

Учрашувларда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. М. Баҳиров, Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ф. Г. Аҳмедов иштирок этдилар.

5 июнь куни кечқурун Тошкентда дўстлик байрамининг адабий қисми ва Озарбайжон фильмлари кинофестивали тантанали равишда очилди.

(ЎзТАГ).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтасига ёзиладилар:

Олтинкўл район (район партия комитетининг секретари Т. Ҳожиқосимова, район ижроия комитетининг раиси И. Аймов, район комсомол комитетининг секретари С. Раҳимов, бош пиллахона директори Г. Йўлдошев).

Бўз район (район партия комитетининг секретари М. Эминов, район ижроия комитетининг раиси А. Сатторов, район комсомол комитетининг секретари А. Холматов, бош пиллахона директори А. Бакиров).

Андижон район (район партия комитетининг секретари А. Исмоилов, район ижроия комитетининг раиси Х. Урунов, район комсомол комитетининг секретари А. Ҳожиматов, бош пиллахона директори А. Ҳамроқулов).

Узбекистон район (район партия комитетининг секретари А. Пайғамов, район ижроия комитетининг раиси Н. Раҳимов, район комсомол комитетининг секретари Ҳ. Раҳмонов, бош пиллахона директори А. Муҳиддинов).

Бағдод район (район партия комитетининг секретари Ғ. Назиров, район ижроия комитетининг раиси Э. Тоҳиров, район комсомол комитетининг секретари Д. Юсупова, бош пиллахона директори М. Ҳамроқулов).

Қува район (район партия комитетининг секретари М. Шербутаев, район ижроия комитетининг раиси А. Қодирлиев, район комсомол комитетининг секретари О. Исроилова, бош пиллахона директори У. Рустамова).

Охунбобоев район (район партия комитетининг секретари Ғ. Пўлатов, район ижроия комитетининг раиси Х. Умаров, район комсомол комитетининг секретари А. Худойберганов, бош пиллахона директори А. Нурматов).

Риштон район (район партия комитетининг секретари С. Охунов, район ижроия комитетининг раиси Х. Одилов, район комсомол комитетининг секретари А. Курбонов, бош пиллахона директори Н. Шерғозиев).

Тошлоқ район (район партия комитетининг секретари А. Хўжаев, район ижроия комитетининг раиси С. Ҳасанов, район комсомол комитетининг секретари Ю. Исроилов, бош пиллахона директори Р. Қодиров).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ

ЖАНГОВАРЛИКНИ ОШИРИБ

Яқинда тўқимачилик комбинатида шаҳар партия комитетининг штаби ташкил этилди. Бу фикр тасодифий юзага келгани йўқ. Комбинат партия ташкилоти йирик, ўз атрофига 800 коммунистни бирлаштирган. Хўш, ана шундай йирик партиявий кучга эга бўлган корхонада штабнинг ташкил этилиши, шаҳар партия комитети фаолиятининг катта қисми комбинатга бу даража каратилишига қандай зарурият туғилди? Бунга бирмунча батафсилроқ тўхталишга тўғри келади.

Маълумки, икки-уч йил муқаддам комбинат республикамиздаги энг илғор корхоналардан бири саналарди. 24 квартал мобайнида Бутуниттифоқ Енгил саноат министрлиги ва тармоқ касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини муттасил қўлга киритиб келди. Корхона Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Лекин сўнгги пайтларда комбинат маъмурияти, партия ташкилоти шаънига ҳаққоний эътирозлар, танқидий фикрлар айтиладиган бўлиб қолди. Бонси, сўнгги икки-уч йил комбинат коллективи учун ўсиш эмас, эришилган позицияларни қўлдан бериш йиллари бўлди. Ишлаб чиқариш бир жойда депсиниб қолди. Кадрлар қўнимсизлиги ортди. Ишчи кучи етишмайдиган, баъзи ҳолларда ишлаб чиқариш қувватининг деярли 30 проценти бекор турадиган бўлиб қолди.

Ниманинг касри бу? Эришилган ютуқлардан эсанкирашми? Раҳбарларда масъулият ҳисси сусайганими?

Тўқимачилар шаънига танқидий фикр, аччиқ эътироз айтилмаган область, шаҳар миқёсидаги бирор бир кенгаш ёки мажлисни эсламайман. Шаҳар партия комитетининг пленумлари ва бюро мажлисларида бу масалага такрор-такрор қайтилди. рўй берган аҳволнинг сабаблари кидирилди. Кўпдан кўп қарорлар қабул қилиди. Аммо аҳвол ижобий томонга сезиларли даражада ўзгармади. Энди бошқача йўл тутиш зарурияти туғилди. У ерда мунтазам ишлайдиган штаб ташкил этилди. Кундалик оператив раҳбарлик йўлга қўйилди.

Ҳали содир бўлаётган силжишларни конкрет рақамлар мисолида айтишга эртароқ деб ўйлайман. Партия комитети ва цех партия ташкилотларининг эътибори энг аввало ишчиларнинг меҳнат ва маданий шароитини яхшилашга, савдо, умумий овқатланиш, транспорт, медицина хизматини кучайтиришга каратилди. Шаҳар партия комитетининг бевосита ёрдами билан тўқимачилар шаҳарчаси тубдан қайта қурилмоқда. Бўлаётган бу ўзгариш комбинатга янги ишчи кучлари келиб қўшилишида ва уларнинг муҳим бўлиб қолишига шубҳасиз ижобий роль ўйнайди. Партия комитетининг иш услуби ва методи ҳам такомиллашиб, унинг меҳнат коллективидаги ишлаб чиқариш ва тарбиявий жараёнларга таъсир кучи ортаётганлиги кўзга ташланяпти.

Ҳозир шаҳримиз меҳнат коллективларида 650 партия ташкилоти, жумладан, 261 цех партия ташкилоти ва 315 партия группаси иш олиб бораяпти. Буларнинг аксарият қисми саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жайларда партиявий раҳбарликни ичил амалга ошираяпти. Улар атрофига 10 мингдан зиёд коммунист уюшган.

Бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик даражасини ошириш — бу бевосита шаҳар партия комитети иш услуби, форма ва методларини такомиллаштириш ҳамдир. Бунга ўз иш тажрибамизда ишонч ҳосил қиламиз. Бу ўринда яна бир нарсага тўхталиб ўтишиб лозим деб биламан.

Яқин пайтларгача ҳам турли хил йиғилиш ва кенгашлар, бюро ҳамда пленумлар муҳокамасига киритилган масалалар жуда кўп бўларди. Биз буни сезиларли даражада қисқартиришга эришдик. Муҳокамаларга ҳамма партия ташкилотлари учун ҳам аҳамиятли бўлган энг муҳим, долзарб проблемалар танлаб олинадиган бўлиб қолди. Масала тайёрлашга ҳар сафар партия активлари, корхона, қурилиш, муассаса, ташкилот раҳбарлари мутахассислар кенг жалб қилинади. Бу проблемаларнинг моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, ишчанлик билан муҳокама этиш ва, ниҳоят, конкрет тадбирлар белгилаш ҳамда таъсирчан қарорлар қабул қилиш имконини беряпти.

Ўртоқ Л. И. Брежнев «Қўриқ» китобида партия ходимларига кабинетларни тез-тез тарк этиб, кишилар орасида бўлишни, аҳволни ўз кўзлари билан кўришни тавсия қилган эди. «Ҳеч қандай қоғоз, ҳеч қандай телефон кўнгироғи одамлар билан учрашувнинг, ҳаётни билишнинг ўрнини босолмайди, — деб ёзади Л. И. Брежнев «Қўриқ»да. — «Кабинет»дан туриб раҳбарлик қилишнинг ўзи бўлмайди, ҳамиша халқ билан бирга бўлиш керак, жойларга бориб мураффақиятларни ҳам, юз бераётган қийинчиликларни ҳам ўз кўзинг билан кўришинг, эҳтиёж туғилиб қолса, оператив аралашишинг керак бўлади».

Шаҳар партия комитети ходимлари ана шу кўрсатмага амал қилиб, давр тақозосини чуқур ҳис этиб, партия аппарати иш услуби ва методларини ўзгартиряптилар. Ҳозирги пайтда шаҳар партия комитетининг секретаридан тортиб, инструкторларигача бошланғич партия ташкилотларида тез-тез бўлишга, коммунист ва партиясиз активлар билан учрашишга, партия комитетлари ва бюролари мажлисларида, коммунистларнинг йиғилишларида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Корхона ва қурилиш ташкилотларида комплекс иш олиб боришни йўлга қўйдикмиз. Бунда шаҳар партия комитетининг барча бўлимларидан ходимлар иштирок этадилар. Тўқимачилик комбинатида ташкил этилган штаб ва унда олиб борилаётган тадбирлар ҳам ана шу комплекс ишларимиздан биридир.

Ёки бошқа бир мисол. Маълумки, коммунистик қурилишнинг бугунги одими бинокорликни индустриал асосга кўчиришни. Бунинг учун қурилиш материаллари саноатини тараққий эттириш тақозо қилинади. Шаҳримизда уй-жой қурилиши комбинати ва шунга ўхшаш йирик корхоналар, қатор қурилиш трестлари ва ташкилотлари мавжуд. Қурилишнинг сифатли бўлиши, объектларнинг ўз муддатида топширилиши ва ишга туширилиши ана шу ташкилотларда ташкилий-тарбиявий, сиёсий ишларнинг қай даражада йўлга қўйилганига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. «Хурмат Белгиси» орденли 8-қурилиш трести шуҳратли меҳнат анъаналарига эга. Трест қурувчилари қўли билан шаҳардаги жуда йирик корхона ва турар жой бинолари бунёд этилган. Улар Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қуришди. В. И. Ленин номидаги ТЭЦнинг навбатдаги қувватини ишга туширишди. Уйсозлик комбинати, азот ўғитлари, сунъий чарм ва химиявий толалар заводлари каби қатор объектлар ҳам ана шу трест қурувчилари томонидан бунёд этилган.

Аммо, кейинги йилларда трестда тиғиз планларни бажариш учун етарли даражада ишчанлик сезилмай қолди. Бунинг устига трест раҳбарлари ҳақ-ноҳак йўллар билан иш ҳажмини камайтириш йўлига тўғиб олдилар. Бундай ҳолнинг юз беришига асосий сабаб партия ташкилотининг бугунги талаб даражасида иш олиб бормаётганида эди. Кадрлар қўнимсизлиги ҳам 1976 йилга нисбатан ўтган йили қарийб 280 кишига кўпайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича план бажарилмай қолди.

Трест партия комитети иши билан атрофлича танишилганда шу нарса яққол сезилдики, партия ташкилоти ишлаб чиқаришнинг инженерлик тайёргарлиги ва иқтисодий кўрсаткичлари билан жиддий шуғулланмаган. Бу соҳага оид жуда кўп масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинган бўлса-да, унинг ижроси юзасидан ичил иш олиб борилмаган. Бригада пудратини ташкил этишда ҳам аҳвол яхши эмасди. Расмий маълумотларга кўра, трестда 25 та этлобинчи бригада бор. Лекин кейинги икки ярим йил ичида улар фаолиятининг якуни чиқарилмаган. Бу ҳол социалистик мусобақани ташкил этишда формализмга йўл қўйиб келинганлигини кўрсатувчи яққол далил эди.

Шаҳардагина эмас, балки бутун областда ҳам салмоқли ўрин тутган, иш қўлмлари гоятла кенг бўлган йирик трест фаолиятидаги бу хил қусурлар шаҳар ҳамда область партия ташкилотларини ташвишга солмай қўймасди, албатта. Биз трест маъмурияти, партия ташкилоти фаолиятини, барча участкалардаги иш жараёнларини комплекс ўрганиб чиқдик, коммунистлар, мутахассислар, ишчилар билан суҳбатлар ўтказилди. Трест фаолияти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан кўриб чиқилди. Шундан буён орадан саккиз ойдан зиёдроқ вақт ўтяпти. Ана шу давр мобайнида йўл қўйилган хато ва камчиликларга батамом барҳам бериш юзасидан конкрет ва амалий тадбирлар кўрилди. Трест партия ташкилоти, барча коммунистлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўрсатмаларини изчиллик билан амалга ошириш учун бутун куч ва ғайратлари, билим ва тажрибаларини аямай сарфламоқдалар. Сўнгги пайтларда трест коллективи қўлга киритаётган яхши кўрсаткичлар трест партия ташкилотининг жанговарлиги, ишчанлиги ошганлиги, таъсир кучининг кўлами кенгайганлигидан далолат бериб турибди.

Раҳбар партия органларининг бошланғич партия ташкилотлари ҳамда коммунистлар оммаси билан доимий ва мустаҳкам алоқаси партиявий ишнинг зарурий қонидасидир. Бу демократик централизм принципларидан партия ички ҳаёти нормаларидан келиб чиқади. Агар бундай алоқа бўлмаган тақдирда, партия қуйи звеноларининг ва меҳнат коллективларининг энг муҳим эҳтиёжларини қамраб олган тўлақонли қарорлар ишлаб чиқиш мумкин бўлмасди. Иккинчи томондан коллективлар ҳам ҳаётий энг зарур бўлган тўғри ва аниқ раҳбарликдан маҳрум бўлардилар. Ҳолбуки, улар ана шундай тўғри ва аниқ раҳбарлик ёрдамида самарали ҳаракат қила бошлайдилар, ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этадилар.

Бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини оширишнинг синаллари формаларидан бири шаҳар партия комитети бюро мажлисларида ва пленумларида уларнинг ҳисоботини мунтазам эшитиб боришдир. Бошланғич ташкилотдаги аҳволнинг чуқур ўрганилиши муҳокамаларнинг ишчан ўтишини таъминлаб, ташкилот фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатишда катта ёрдам беряпти. Биргина ўтган йил давомида 20 га яқин бошланғич партия ташкилотининг ҳисоботи эшитилди. Амалга оширилаётган бу тадбирларнинг ҳаммаси партиямиз асоси бўлган бошланғич ташкилотлар жанговарлигини ошириш ва ўнинчи беш йиллик вазифаларининг тўлатўкис бажарилишига қаратилгандир.

Зотан, беш йилликнинг якунловчи йилида меҳнат коллективларимиз олдида жуда катта қўламдаги вазифалар турибди. Якунловчи йил маҳсулот реализация қилиш планини 28 декабрга ado этиш ҳамда пландан ташқари 7.7 миллион сўмлик иш бажариш мажбуриятини олганмиз. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 13.2 процентга ошади. Қурувчиларимиз олдида ҳам катта вазифалар турибди.

Меҳнат коллективларини юксак марраларга руҳлантираётган, беш йиллик зарбдорлари сафини кенгайтираётган, ҳар бир ишда сифат ва самара бўлишига эришаётган партия ташкилотларимиз кўп. Пиллакашлик, бадиий тикувчилик фабрикалари, асфальт-бетон, сут, химиявий толалар заводлари каби қатор корхоналарнинг партия ташкилотлари фаолияти ҳар қанча мақтовга лойиқ. Ҳозирги кунда икки беш йиллик нормасини бажариш арафасида турган 142 мусобақа пешқадами, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётган 550 дан зиёд новаторларимиз бор. Бу ватанпарварлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришда тўқувчи Ш. Мирзабобоева, пиллакашлар М. Шералиева, Р. Ғойдова, Е. Мелибоева, химиявий толалар заводидан Н. Сивелькина, Л. Мельникова, икки беш йиллиқни бажариб қўйган яна кўплаб пешқадам коммунистларимиз ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди. Уйсозлик комбинатининг ўзида 12 бригада 1983 йил ҳисобига иш бажармоқда. Ана шундай илғорлар тажрибасини кенг жорий қилиш, партия ташкилотларининг ташкилий, сиёсий фаолиятини кучайтириш, улар фаолиятида ленинча услубни кенг жорий қилиш муваффақиятимизни таъминловчи гаровдир.

Ғ. ФОЗИЛОВ,
Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

Тошкент тепловоз депосининг тепловозлар учун электр машиналарини ремонт қилиш цехи коллективи ўзаро социалистик мусобақани қизитиб, план топшириқларини мунтазам бажаришга эришмоқда.

Суратда: цехнинг пешқадам слесарларидан бири Нарманов Отахўжаев. У топширилган ишни аъло сифатли қилиб адо этиш билан бирга кунлик нормани 1,5 баравар бажаряпти.

В. Сироткин фотоси.

РУС САНЪАТИНИНГ ИФТИХОРИ

А. К. САВРАСОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 150 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА

Атоқли рассом, рус реалистик суратқашлигининг асосчиларидан бири Алексей Кондратьевич Саврасов ҳақли равишда Ватанимиз ва жаҳон маданияти тарихида фахрли ўрин олиб турибди. Репин ва Суриковнинг, Крамской ва Шишкининг сафдоши бўлган Саврасов рус санъатида новатор, жонажон диёрнинг ҳақиқий ватанпарвари сифатида унинг бекиёс гўзаллигини илҳом билан тасвирлаган.

Халқ севиб ардоқлайдиган суратлар муаллифининг 150 йиллигига бағишланиб 4 июнь куни Москвада, ССР Иттифоқи Малий театрида тантанали кеча бўлиб ўтди.

Пойтахт жамоатчилигининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, иттифоқдош республикалардан келган меҳмонлар бу ерга тўпланишди.

Кечада П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Кечани РСФСР Рассомлар союзи правленесининг раиси С. П. Ткачев очди. А. К. Саврасовнинг ижоди тасвирий санъатга жуда катта ҳисса қўшди, деб таъкидлади у. Рус ва совет рассомларининг неча-неча авлодлари А. К. Саврасов асос солган анъаналар руҳида тарбия кўрди. Совет кишилари рассомнинг маданий меросини юксак қадрлайдилар, унинг асарлари халқнинг миллий бойлигига айланди, улар мамлакатнинг энг катта музейларидан фахрли ўрин олган, юксак ватанпарварлик ва эстетик туйғуларни воғга етказишга ёрдам бермоқда.

РСФСР Рассомлар союзи правленесининг секретари В. М. Сидоров Саврасовни таърифлаб беради.

Саврасов халқ турмушини ҳаққоний тасвирлаш йўлини сабот билан очиб берган бутун ватан реалистик санъатининг ривожига катта таъсир ўтказди. У маданият тарихига рус миллий пейзажининг асосчиси бўлиб кириб, пейзажни фақат ландшафт деб тасаввур этишга дадил барҳам берди, ўзининг бутун ижоди билан пейзажнинг етакчи мазмуни бўлиши зарурлигини исботлади. А. К. Саврасовнинг анъаналари унинг шогирдлари Коровин ва Левитан орқали кўп синоалардан ўтиб, бизгача етиб келди ва жонли илҳомбахш кучга айланди.

Рассомлар жамоатчилигининг намояндалари — А.М. Грицай (Москва), А. И. Курнаков (Орёл), В. А. Громико (Минск) А.К. Саврасов ижодининг аҳамияти тўғрисида, унинг ижоди оддий кишиларга, уларнинг ташвишлари ва орзу-умидларига меҳр-муҳаббат руҳи билан сугорилганлиги ҳақида, унинг демократик позицияда турганлиги тўғрисида гапирдилар. Кечада сўзга чиққан нотиқлар кўп миллатли совет тасвирий санъатининг барча авлодлари учун Саврасов Ватанга, халққа илҳом билан хизмат қилиш тимсоли бўлиб қолаверишини таъкидладилар.

* * *

Шу куни Киров кўчасидаги бинолардан бирида ёдгорлик лавҳаси очилди. Шу лавҳада айтилишича, бу ерда, суратқашлик, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик билим юртида 1857 йилдан 1882 йилгача А. К. Саврасов дарс берган. Эсдалик лавҳа муаллифлари — ҳайкалтарош. РСФСР халқ рассоми Ю. Кирюхин билан архитектор П. Павловдир. (ТАСС)

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БОЛГАРИЯ

МОЙЛИ АТИРГУЛ ТЕРИШ БОШЛАНДИ

Казанлик водийсида мойли атиргул териш ёрқин байрамдек бошланди. Ашулалар янгради. Рақслар ижро этилди. Биринчи гуллар одатдагидек қизларнинг ясанига янада чирой қўшди.

Казанлик атир гулидан олинадиган мой жаҳон бозорида олтин билан тенг баҳоланади. Атиргулни ўстириш, уни парвариш қилиш, баргларини битталаб териб олиш сермашаққат ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Казанлик атиргули бир йилда бор-йўғи 25 кун гуллайди. Уни тонгда, қуёш нур соча бошлаши билан териб олиш керак. Тушга борганда гул ўзининг энг қимматли мойининг ярмини йўқотади, бу мой хушбўй ҳиди билан учиб йўқолади. Бир килограмм атиргул мойи олиш учун 3 тонна гул баргини териб олиш керак бўлади.

Мойли атиргулни Казанликка XVII асрда Эрондан келтиришган эди. Казанлик иқлими унга жуда мос бўлиб тушди ва маҳаллий аҳолининг кўпчилиги тез орада муаттар бўйли ўсимликни етиштириш билан шуғуллана бошлади.

ВЬЕТНАМ

ПАРТИЯНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Бундан беш йил муқаддам америкалик агрессорлардан озод этилган Вьетнамнинг жанубий вилоятларида партия сафларини мустаҳкамлаш Вьетнам Коммунистик партиясининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Мана шу масъулиятли ишда Куангнам-Даданг вилояти партия ташкилоти энг яхши ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Коммунистларни марксча-ленинча ғояларга чексиз садоқат руҳида тарбиялаш, кадрларни моҳирлик билан танлаш ва жой-жойига қўйиш шу вилоят коммунистлари кўп қиррали фаолиятининг таркибий қисми бўлиб қолган.

Куангнам-Даданг вилоятида ишчи коммунистлар салмоғи тобора кўпаймоқда. Бу тенденция қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши асосий соҳа бўлиб қолаётган мамлакатнинг жанубий учун муҳим аҳамиятга эгадир. Вилоят ғарбий районларининг асосий аҳолиси ҳисобланган майда миллатлар вакиллари ҳам партия сафига кирмоқдалар. (ТАСС).

ҲУЖЖАТЛАР ФОШ ҚИЛАДИ

АҚШнинг Эрондаги агрессив ҳаракатларини текшириш бағишланиб Теҳронда ўтказилаётган халқаро конференция қатнашчилари ихтиёрига топширилган кўп миқдордаги ҳужжатлар Америка маъмурлятининг шу мамлакат халқига қарши шоҳ режими қилган жиноятларда бевосита қатнашганидан далолат беради.

Алоҳида докладда Эрондаги Моссаддиқнинг қонуний ҳукматини 1953 йилда ағдариб ташлаб, халқ ғазабидан қочган шоҳни яна тахтга ўтқазишни ташкил этган америкалик сиёсатчилар ва агентларнинг эсдаликларидан парчалар келтирилган. Бу реакцион тўнтаришни ташкил этишда У. Черчель, А. Иден, Д. Эйзенхауэр, Д. Ф. Даллес ва Марказий разведка бошқармасининг аппарати қатнашганлиги ҳужжатлардан кўриниб турибди.

Конференцияга тақдим этилган докладларнинг бирида шоҳнинг Эрон нефтини экспорт қилишдан олинган маблағни Эрон халқи қашшоқлик ва жаҳолатда яшаётганлигига қарамай ҳаддан ташқари кўп қурол-ярог сотиб олишга сарфлаганлиги ҳикоя қилинади.

Конференция учун материаллар тайёрлаган юридик комиссиянинг докладида Қўшма Штатларнинг Эронга нисбатан қўпол равишда бузган халқаро қонунлардан парчалар келтирилган. АҚШ сурбетларча оёқости қилган халқаро шартномалар орасида БМТ Устави, инсон ҳуқуқлари декларацияси ва, ниҳоят, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашишни ғайри қонуний деб эълон қилувчи АҚШ конституциясининг ўзи ҳам бор.

АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Бжезинскийнинг АҚШ давлат секретари Вэнсга Эрондаги республика режимига нисбатан кўпорувчилик сиёсатини ишлаб чиқиш ва ўтказиш тўғрисида ёзган маълум хатидан кўчирилган фотокопия, шунингдек шоҳ махфий полицияси — САВАКнинг баъзи ходимлари тўлдирган махфий анкеталарнинг фотокопиялари конференция делегатларига тарқатилди. Бу ходимларнинг кўпчилиги АҚШда таълим олиб, халқ ғалаёнларини бостириш операцияларини, айғоқчилик ва ивгогарлик усулларини мукаммал ўрганиб келган эди. САВАК жаллодларининг хизматлари ёзилган рўйхатдан АҚШ, Англия, ҒФР, Исроилдаги разведка мактабларида тайёргарликдан ўтилганлиги қайд этилган.

4 июнда конференция делегатлари оятилло Хумайни билан учрашдилар. АҚШ ахборот воситалари ва Америка маъмурияти гаровга ушлаб олинганлар муаммоси теварагида кўтарган шовқин, сурон тасодифий ҳол эмас, деб таъкидлади у. «Картер, — деди Хумайни, аслида жосуслар бўлмиш ўз «дипломатлари»нинг қилмишлари фош бўлиб қолишидан қўрқмоқда». (ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

НЬЮ-ЙОРК, Афғонистон Демократик Республикасига ва унинг халқига қарши босқинчиларча ҳуруж қилаётган Афғонистон аксилинқилобчиларининг босмачи тўдалари Американи замонавий қуролярочлари, шу жумладан тўпларидан қуроллантирилмоқда. Буни исбот этувчи фактлар шу қадар аён бўлиб қолдики, ҳатто буни Американи ахборот воситалари ҳам тан олишга мажбур бўлдилар. Масалан, ЮПИ агентлигининг хабар беришича, исёнчилар «Америкада ишлаб чиқарилган қурол-яроғларни» олмоқдалар. Агентликнинг буни дангал эътироф қилганлиги афғон халқига ва Апрель революциясига бошланган душманчилик ва кўпорувчилик кампаниясига кимлар ёрдам бераётганлигини, АДРнинг ички ишларига кўпол ва ўзбошимчалик билан аралашиб шу билан афғонларга янги ҳаёт қуришга кимлар халақит бераётганлигини яна равшан кўрсатиб турибди.

ТЕҲРОН. «Дунё» газетаси шундай хабар беради: гаровга ушлаб қолинган америкаликлар проблемаси 4 ноябрдан кейин, яъни ҳақиқатда АҚШда президент сайлангандан сўнг Эрон парламентида муҳокама қилинади. Газетанинг ёзишича, парламент гаровга ушланганлар проблемасини биринчи навбатдаги вазифалар қаторида муҳокама қилиш тўғрисида оятилло Хумайнидан йўл-йўриқ олган эмас. Депутатлар аввало давлат бюджетини тасдиқлаш каби кечиктирилмайдиган масалаларни ва бошқа биринчи даражали аҳамиятга молик проблемаларни муҳокама қилишлари лозим, деб ёзади «Дунё» газетаси. (ТАСС).

ИВГОГАРЛИКЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Уруш давомида Хитой экспансиячилари ва гегемончилари қилган жиноятларни текширувчи комиссиянинг бу ерда эълон қилинган ахборотида май ойи давомида Хитой қўшинлари Вьетнам Социалистик Республикасининг чегаларини 246 марта бузганликлари айтиб ўтилган.

Хатуен ва Хоанглиеншон вилоятларида, айниқса, катта ивгогарлиқлар қилинди. Хитой қўшинларининг бўлинмалари бу ерда чегарадан ўтиб ВСР территориясига 2 километр масофагача бостириб кирдилар. Хитой самолётлари Вьетнамнинг ҳаво чегарасини, ҳарбий кемалари ВСР территориал сувлари чегарасини бир неча марта бузиб ўтдилар. Улар Вьетнамнинг балиқ овлаш кемаларига таҳдид қилдилар. Мана шу ивгогарлик учун бутун масъулият Хитой томони зиммасидадир, деб таъкидланади комиссиянинг ахборотида. (ТАСС).

ЭРОН—ИРОҚ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ТЕҲРОН. Эроннинг Форс информация агентлиги хабар қилишича, Эрон—Ироқ чегарасида Эрон ва Ироқ қўшинлари ўртасида қуролли можаролар давом этмоқда.

Агентлик Эрон қуролли кучлари бирлашган штаби вакилининг баёнотига асосланиб хабар қилади: ўтган кунлар мобайнида Ироқ қўшинлари Қасриширин ва Илом шаҳарлари районларида Эрон қўшинлари позицияларига, шунингдек Эроннинг Баҳрамад, Дарҳор, Барор-Азизий, Дарбанжок, Қалай-Сафид ва Бобоходий жандармерия постларига уч марта ҳужум қилганлар.

Тўқнашувлар чоғида, деб таъкидланади хабарда, ҳар иккала томон оғир артиллерияни, танклар ва миномётларни ишга солган.

БАҒДОД. Ироқнинг ИНА информация агентлиги Ироқ чегара қўшинлари вакилининг баёнотини тарқатди. Баёнотда айтиладики, кейинги кунлар мобайнида Эрон томони Ироқ—Эрон чегарасида Ироққа нисбатан бир қанча ивгогарлик ҳаракатларини амалга оширди, бу эса Ироқ чегара қўшинларини жавоб чоралари кўришга мажбур қилди.

Шу баёнотда хабар қилинишича, жумладан, Эрон томони Восит вилоятидаги Зурбатия секторида ва Диола вилоятидаги Хонакин секторида Ироқ чегара постларини артиллерия тўпларидан ва танкка қарши отадиган воситалардан ўққа тута бошлади. Ироқ чегара қўшинлари, дейилади баёнотда, жавоб ўти очиб Эрон артиллериясини даф этдилар. (ТАСС).

ФОЙДАЛИ ҚЎЛЛАНМА

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти тарих фанлари кандидати, шарқшунос олим Анвар Қосимовнинг Туркия ҳақидаги китобини* нашр этди. Рисола автори бир неча йил Туркияда дипломатия хизматини ўтаб, мамлакатдаги сиёсий, социал-иқтисодий вазиятни кузатиб борган ва муҳим воқеаларнинг шоҳиди бўлган.

Китобда мамлакатнинг давлат тузуми, бошқарув идоралари, юридик органлар, сиёсий ва жамоат ташкилотлари, қуролли кучлари, жамиятнинг социал структурасига оид кўпгина маълумотлар берилган. Рисоланинг яна бир жозиб томони шундаки, муаллиф мамлакатнинг тарихи, сиёсий ва ижтимоий воқеалар ривожини, шунингдек Туркия экономикасини чуқур таҳлил қилиб берган.

Авторнинг ёзишича: аграр-индустриал мамлакат бўлмиш Туркия экономикаси кўп жиҳатдан ҳамон Ғарбга қарам бўлиб келяпти. Капиталистик тараққиёт йўлидан бораётган Туркия маълум даражада ривожланган бўлса-да, Ғарб монополияларининг таъсиридан қутилгани йўқ. Прогрессив ва ватанпарвар кучлар иқтисодий мустақилликка эришмоқ учун муттасил курашиб келяптилар. Хукмрон доиралар эса авж олаётган сиёсий ва иқтисодий ватанпарварлик ҳаракати билан ҳисоблашишга мажбур бўляптилар. Умуман 60-йиллардан бошлаб экономикада мустақиллик тенденциялари жонлана бошлади. Бу тенденция ўҳжаликни ривожлантиришнинг беш йиллик планларида ўз ифодасини топа бошлади. Ҳозир экономика тўртинчи беш йиллик план асосида бошқарилаяпти. «Беш йиллик планларнинг пировард мақсади — деб ёзади автор, — иқтисодий ва молиявий мустақилликка эришишдан, яъни Туркияни чет эллан ёрдам олиш заруратидан халос қилишдан, савдо ва тўлов балансларининг хамоматини тугатишдан иборат». Айни вақтда автор шу нарсани тўғри таъкидлайдики, бу планларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан чет давлатларга, Ғарб монополияларига ва хусусий капиталга боғлиқдир.

Автор ёзганидек, Туркия хорижий Шарқнинг ривожланаётган мамлакатларидан ҳисобланса-да, лекин саноатнинг ўсиш суръати анча суст, меҳнат унумдорлиги эса паст даражада. Бошқа Шарқ мамлакатлари сингари бу ерда ҳам саноат ривожи аграр проблемалар билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида асосан хусусий ер эгалиги ҳукмронлик қилади.

Китобда Туркиянинг қадимий ва ҳозирги маданияти, саноати, меъморчилик обидалари, соғлиқни сақлаш ишлари, маорифи ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотлар келтирилган. Мамлакатда бошланғич ва ўрта мажбурий таълим жорий этилган. Бироқ мактабларнинг етишмаслиги, кўп болали камбағал оилаларнинг моддий имконияти чекланганлиги сабаби, ли болаларнинг ҳаммаси ҳам ўқишга жалб қилинмаган. Мамлакатда 9 та университет, ўнлаб институтлар, академиялар, ҳар хил ўқув юртлари мавжуд. Уларда ўқиш учун ҳақ тўланади.

Мазкур китобнинг яна бир қиймати ва муҳим томони шундаки, муаллиф Совет — Туркия муносабатларини муфассал ёритиб берган. Маълумки, улуғ В. И. Ленин ва Туркия республикасининг биринчи президенти Мустафо Камал Совет — Туркия дўстлик алоқаларига асос солганлар. Совет давлати Туркия миллий мустақиллигини биринчи бўлиб таниган ва турк халқига катта ҳарбий-сиёсий ва моддий-маънавий ёрдам кўрсатган. 20—30-йилларда, айниқса, капитализмнинг жаҳон кризиси даврида, яъни Туркия экономикаси огир аҳволга тушган пайтларда Совет давлати Туркияга ёрдам қўлини чўзди. Мамлакатдаги дастлабки йирик давлат корхоналари ҳам СССРнинг кўмаги билан барпо этилди.

Совет — Туркия муносабатлари 60-йиллардан яна жонлана бошлади. Ўзаро келишувга мувофиқ, иқтисодий ва маданий алоқалар, савдосотиқ ривожланди.

Икки қўшни давлат қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ўзаро фойдали ҳамкорлик қилмоқдалар. Жумладан, Аҳуриян дарёсида ирригация асосида йирик тўғон ва сув омбори қуришга аҳд қилинган. Сув омборига 525 миллион кубометр ҳажмда сув йиғилади. У Совет Арманистони ҳамда Туркиянинг ўн миллиард қақроқ ерларига обиҳаёт етказиб беради.

Совет — Туркия ҳамкорлигининг Туркия учун зарурлиги ва фойдалигини яхши тушунган Туркия жамоатчилиги икки қўшни мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантириш учун жон куйдиряпти.

Китоб хотимасида автор Туркиянинг ҳозирги ички аҳволи, Туркия ҳукуматининг ташқи сиёсатини кенг ёритиб берган.

Шарқшунос олим А. Қосимовнинг «Ҳозирги Туркия» рисоласи империалистларнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги риёкорлик ва босқинчилик сиёсатини фош этади. Шунингдек, рисола Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан, жумладан Туркия тарихи, сиёсати ва экономикаси билан қизиқувчи китобхонлар учун гоят фойдали қўлланмадир.

Ф. АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари кандидати.

* А. Қосимов. «Ҳозирги Туркия». «Ўзбекистон» нашриёти. 1979 йил.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Атроф-муҳит тўғрисида ғамхўрлик қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш коммунистик қурилиш программасининг ажралмас қисмидир. Бу нарса СССР Конституциясида, партия ва ҳукуматнинг қарорларида ўз ифодасини топди. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳамда ҳайвонот оламини қўриқлаш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари буни тасдиқловчи яна бир далилдир. Мазкур қонунларнинг лойиҳалари ҳозир муҳокамадан ўтказилмоқда.

Илмий ташкилотлар, министрликлар ва идоралар, пойтахт жамоатчилиги вакилларининг 4 июнда Москвадаги Олимлар уйида бўлиб ўтган қўшма мажлиси жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланди.

Сўзга чиққан кишилар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига доир малакали мутахассислар тайёрлаш тўғрисида, мамлакатда биосферани соғломлаштириш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар ҳамда табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш проблемаларини ҳал этишда жамоатчиликнинг роли ҳақида гапирдилар. (ТАСС).

ИЮНЬ — ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ

Яхши технологик сифатга эга бўлган ҳосил тўплашда, ўсимлик ривожининг барча босқичлари муҳим аҳамиятга эга. Ғўзанинг ривожини таъминлайдиган энг масъулиятли пайтлар ҳам борки, бунга даставвал июнь ойи киради. Бу ойда ёппасига ҳосил тўпланади — ғўза шоналайди, гуллайди ва кўсак туга бошлайди. Мазкур даврда ҳавонинг ҳарорати кескин ошади, кунлар узаяди. Бу ҳол ғўза парваришида энг қулай омил ҳисобланади. Айни пайтда у ёки бу омилнинг рисоладагидек бўлмаслиги, шубҳасиз, ғўзанинг ўсиши, ривожи ва ҳосил тўплашига таъсир этади. Энг хатарлиси шуки, бунда эртаги ҳосил элементлари тўкилиб кетиши мумкин.

Айниқса, июнь ойида суғориш, экинни озиқлантириш, қатор ораларига ишлов бериш, бегона ўт, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда бошқа тадбирларни қулай муддатларда ўтказиш талаб этилади. Муҳими, агротехника тадбирлари аввало янги ҳосил элементларини пайдо қилиш, қолаверса ҳосил нишоналари барвақт тўкилиб кетишининг олдини олиш учун имкон яратмоғи керак.

Ғўзанинг яхши ривожланиши учун уни суғориш алоҳида аҳамиятга эга. Ўсимликнинг сув билан етарли даражада таъминланиши бошқа омиллардан ҳам самарали фойдаланишга олиб келади. Фақат тўғри суғориш йўли билангина экин кўпроқ озуқа моддаларини сингдиради, қуёш энергияси ва ҳароратдан яхшироқ фойдаланади. Тупроқда сувнинг етишмаслиги ҳамма вақт экиннинг ривожи ва ҳосил тўплашини секинлатади.

СоюзНИХИнинг кўп йиллик тадқиқотларидан аниқланишича, намликнинг сақлануви 70 процент атрофида бўлганда ғўза учун қулай ҳисобланади. Сувнинг бу даражадан кўпайиши ҳам, камайиши ҳам ғўзанинг нормал ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этади. Бордию, намлик камайса, ҳосил элементлари тўкилиб кетади, намлик ошиб кетгудек бўлса, ғўза ғовлаб, ҳосил тўплаш жараёнига салбий таъсир қилади, пахтанинг пишиши ҳам кечикиб кетади. Шу мувосабат билан пахтакорларнинг июнь ойидаги асосий вазифаси ғўзани тўғри суғориш ҳисобланади. Сувни кечаю кундуз тараш керак, бунда сув етиб бормаган жойлар ҳам, кўлоб бўлиш ҳоллари ҳам бўлмаслиги лозим.

Суғориш нормаси тупроқнинг шароитига, ернинг сувни сақлаш имкониятига, сизот сувларининг чуқурлик даражасига, ўстирилаётган навнинг биологик хусусиятларига боғлиқдир. Ер ости сувлари яқин бўлган жойларда суғориш нормаси гектарига 700—800 куб метр, сизот сувлари чуқур бўлган жойларда эса бу кўрсаткич 900—1000 куб метр бўлиши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам суғориш нормасини 1000 куб метрдан оширмаслик керак.

Вегетация даврида суғориш миқдори тупроқнинг намланиш даражасига боғлиқ бўлади. Намнинг етишмаслигини ўсимликнинг ташқи кўринишидан билиш мумкин. Сув етишмаганда барглар қорая бошлайди. Бундай ҳолга йўл қўймаслик керак. Сувдан самарали фойдаланиш ғўза қатор ораларига ишлов беришга ҳам боғлиқ. Бу тадбир ҳар бир суғоришдан кейин ер етилиши биланоқ ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши керак. Культивацияни муддатидан илгари ҳам, кечиктириб ҳам ўтказмаслик керак. СоюзНИХИ тажрибалари шуни кўрсатадики, культивация бир-икки кун кечикса, ҳосилдорлик гектарига 1—2 центнер, икки-уч кун кечикса, ҳосилдорлик 3—4 центнер, культивация 4—5 кун кечикса, ҳосил чўғи гектарига 7 центнергача камаяди. Культивацияни кечиктириш тупроқда намликни кўпроқ сақлашни ҳам таъмин этмайди. Ўсимликнинг илдиз системаси зарарланади, иссиқлик режими ва тупроқ аэрацияси бузилади.

Агар культивация ўз вақтида ўтказилса, тупроқ майинлашади. Бегона ўтлар йўқотилади, кислороднинг ўтиши, иссиқликнинг тупроқнинг қуйи қатламига бориши яхшиланади, намлик узоқ сақланади, ғўза учун фойдали микроорганизмларнинг фаолияти яхшиланади, экиннинг илдиз системаси баравар ўсиши учун қулай шароит яратилади. Буларнинг ҳаммаси ўсимликни ернинг остки қисмидан сув, озуқа моддалари билан узлуксиз таъминланишини яхшилайди. Шунинг учун культивацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга алоҳида аҳамият бериш керак. Культивация чуқур ва кенг ўтказилса, унинг самарадорлиги ошади, аммо бунда ғўзанинг илдиз системаси зарарланмаслигини ҳисобга олиш керак. Илдиз системаси зарарланганда экиннинг ривожи секинлашади, вилтга чалинган далаларда вилтнинг тарқалиши кучаяди.

Июнь ойида ўсимлик жуда жадал ривожланади. Шубҳасиз, ўсимликнинг яхши ривожини таъминлаш учун барча зарур озуқа моддалари керак. Бу йилги шароитда, аввалги йиллардагига нисбатан ҳарорат режимининг қулай бўлганлиги ва катта майдонларда қайта экинлар ўтказилмаганлиги туфайли ғўзанинг ривожи бирмунча олдинда боряпти. Шунингдек, ҳосил тўплашнинг асосий даври ҳам июнь ойига тўғри келади. Шунинг учун ҳамма жойда 1 июлгача ғўзани органик-минерал ўғитлар билан озиқлантиришни тугаллаш даркор.

Тупроқда етарли миқдорда органик-минерал ўғит бўлса, нам яхши сақланади, сувдан самарали фойдаланиш таъминланади. Етарли миқдорда озуқа моддалари билан таъминланган ўсимлик яхши ривожланади, организмида углевод, оқсил моддаси, нуклеин кислотаси, ферментлар ва бошқа компонентлар тўплайди. Булар экиннинг дуркун ўсишини таъминлайди, намликнинг барглар ва бошқа органлар орқали бугланиб кетишини камайтиради. Бунда ўсимлик жазирама иссиққа чидамли бўлиб, ҳосил элементлари жуда кам тўкилади, касаллик ва зараркунандаларга бардош беради. Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, ҳар бир суғориш ва культивация мобайнида ғўзага органик-минерал ўғит солиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу йилги шароитда ғўзани кеч озиқлантириш нотўғридир. Бунга йўл қўйилса, ўсимлик ғовлаб кетади, ҳосил элементлари кеч етилади, пахта сифати ёмонлашади.

Июнда пахта далаларида бегона ўтларнинг ривожланиши учун ҳам қулай шароит вужудга келади. Юқори ҳарорат, қуёш нури, сув, органик-минерал ўғит билан таъминланган далада бегона ўт кўпайиб кетиши мумкин. Агар улар ўз вақтида йўқотилмаса, пахта ҳосилдорлигига таъсир этиши турган гап. Бегона ўтлар шароитга жуда мослашувчан бўлиб, тез ўсади, тупроқ унумдорлигидан, намдан яхши фойдаланади, ғўзага соя ташлаши билан бир пайтда унинг ривожини секинлатади. Бундан ташқари, бегона ўтлар касаллик ва зараркунандаларнинг кўпайиши ва тарқалиши манбаидир.

Афсуски, республикамиз пахта далалари билан танишиш шуни кўрсатдики, айрим жойларда бегона ўт босган далалар мавжуд. Карта четлари, йўл ва ариқ ёқаларида ўсиб ётган бегона ўтларнинг уруғи пишиш босқичидадир. Ҳамма жойда бегона ўтларга қарши кескин курашиш керак, улар умуман пахта далаларида бўлмаслиги даркор. Бегона ўтларни йўқотиш учун барча воситалар: агротехник, механик, физик, химиявий, биологик ва бошқа кураш чораларини кўриш зарур. Бегона ўтларнинг уруғи кўпайишига, таркибида бегона ўт уруғи бўлган чиритилмаган гўнгни ўғит сифатида фойдаланишга йўл қўймаслик лозим. Бегона ўт босган далаларда, одатда, ғўзанинг ҳосил органлари ёппасига тўкила бошлайди.

Мутахассисларнинг олдиндан бераётган маълумотларига кўра бу йилги шароитда шира, кўсак қурти, ўргимчакхана, республикамизнинг жанубий районларида эса саранча каби хавфли зараркунандаларнинг пайдо бўлиши кутиляпти. Ғўзани бундай зараркунандалардан халос этиш керак. Агар бундай зарарли ҳашаротлар экинга ҳуруж қилса, ҳосил чўғига ёмон таъсир этиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳамма жойларда ерда ишлатиладиган агрегатлар ёрдамида профилактик ишловлар ўтказиш, зараркунандалар ёппасига тарқалган жойларда самолётлардан ҳам фойдаланиш керак.

Йилдан-йилга вилтга чалинган далалар кўпаймоқда. Маълумки, вилт — ҳосилнинг кушандаси. Агар биз барча агротехника тадбирларини, юқорида баён этилганидек, юксак даражада амалга оширсак, юқори ва эртаги ҳосил етиштириш имконига эга бўламиз. Қоидаларга риоя қилиб парвариш қилинган ўсимлик вилтга чидамли бўлади, пировардида биз вилтни йўқотиш туфайли ҳосил чўғини ошиramиз.

Ҳозирги пайтда республика партия ташкилотининг кундалик кўмаги ва ғамхўрлиги, пахтакорларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда. Ғўза парваришида агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда июнда ҳар қачонгидан кўп ҳосил нишоналарини тўплаш — шу кунниг энг муҳим вазифасидир.

А. ИМОМАЛИЕВ,
ВАСХНИЛ академиги,
СоюзНИХИ директори.



ИККИНЧИ ЎРИМ ҚИЗҒИН

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Оқдарё районидаги «Даҳбет» совхози деҳқонлари алмашлаб экишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Алмашлаб экишда беда алоҳида ўрин эгаллайди. Совхозда ялпи беда майдони 600 гектарни ташкил этади. Беда биринчи ўримдан кейинок қондириб суғорилиб, озиқлантирилган эди. Мана ҳозир беданинг иккинчи ўрими қизғин давом этяпти. Ўримни тезлатиш учун совхозда иккита комплекс механизацияланган отряд ташкил қилинган. Бу отрядлар етарли ишчи кучи ва техника воситалари билан таъминланган. Ўримда ГДРда ишланган «Е-301» маркали агрегат қўл келяпти. Бу агрегатнинг иш унуми «КИР—1,5 га нисбатан 10 баравар кўпдир.

Механизаторлар бу йил беданн беш маротаба ўриб, гектаридан камида 200 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 50 центнер кўпдир. Суратда «Е-301» агрегатлари билан беда ўриш.

Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).

мусобақа кундалиги

КАПИТАЛ РЕМОНТСИЗ

Андижон область Ленин районидаги автобус-таксомотор паркининг меҳнатсевар коллективи машина ва механизмлардан ҳамда ёнилғидан тежамли фойдаланиш соҳасида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Айниқса, машиналарни капитал ремонтсиз бошқариш юзасидан яхши натижаларга эришилаётир. Жумладан, паркнинг «51-22 АНВ» номерли «ГАЗ-24» машинаси капитал ремонтсиз миллион километрдан ортиқ йўл босди. Бу эс нормадагидан уч баравар кўпдир. Бу «Волга» автомашинаси қайдовчилари Исоқжон Раҳмонов ва Жовид Бурнашевларнинг юксак меҳнат ғалабасидир. Улар 1978 йилнинг январидан то шу кунгача ўз машиналарида капитал ремонтсиз ишлашмоқда. Натижада 16 комплект автомобиль резинасини, 900 сўмлик эҳтиёт қисмни тежаб қолиш имкониятини берди.

Шу куналда илғор шоферларнинг намунали иши ҳамкасбларига ҳам ибрат бўлмоқда. 20 га яқин шофер улар изидан борib автомашиналарни капитал ремонтсиз узоқ муддат бошқаришга эришмоқдалар. Коллективнинг юздан ортиқ шофери нормани икки баравар бажарган ҳолда капитал ремонтсиз йўл босишга аҳд қилди.

МЕХАНИЗАТОРНИНГ УЛКАН МАРРАСИ

«Андижангидрострой» бошқармасига қарашли тўртинчи қурилиш-монтаж бошқармасининг илғор экскаваторчиси Аҳмадали Умаров 1981 йилнинг иккинчи ярим йиллиги ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бошқарманинг гидроқурувчилари касбдош ўртоқларини бу катта ютуқ билан қизғин табрикладилар.

Моҳир экскаваторчи Андижон сув омбори қурилишида ўн йилдан бери ишламоқда. Бу вақт ичида у ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишди ва меҳнатда яхши обрў топди. Бундай меҳнатсевар механизаторлар коллективда кўплаб топилади.

Андижон сув омборининг суғориш ҳовузи яқинда лойиҳадаги қувватга етказилади. Ҳозир гидроқурувчилар сув омборида пардозлаш ишларини олиб бормоқдалар, тўғонга энг сўнгги бетонларни ётқизмоқдалар. Юзлаб меҳнаткашлар сув омборини тезроқ фойдаланишга топшириш юзасидан алоҳида жонбозлик кўрсатаётирлар. Улар орасида илғор экскаваторчи Аҳмадали Умаров ва унинг касбдош ўртоқлари ҳам бор.

УСТЮРТДА БИРИНЧИ НЕФТЬ ФОНТАНИ

Даштли Устюрт ясси тоғида биринчи нефть фонтани отила бошлади. Бу — Қорақалпоғистон нефть-газ разведка экспедицияси геологлари олиб борган йигирма йиллик қидирув ишларининг натижасидир. «Ғарбий Борсакелмас» истиқболли майдонида 3.190 метр чуқурликда қазилган учинчи қудуқдан «қора олтин» отилди. Ер ости «хазинаси» нефтнинг саноатбоп запасларига эга. Қудуқдан нефть ўзи чиқиб туради, у енгил бўлиб қайта ишлаш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Яна шуниси ҳам қулайки, қудуқ шу ердан ўтадиган темирйўлдан атиги 2 километр нарироқда жойлашган. Бу эса ундан фойдаланиш учун яхши шарт-шароитларни вужудга келтиради. Қудуқни пармалаш мастери Бобожон Жумашев бригадаси рекорд даражада қисқа муддатларда пармалади, сменани эса мастер Исмоил Каримов бригадаси ўтказди. Унинг майдони 170 квадрат километрдан кўпроқ жойни эгаллайди. Геологлар билан геофизиклар қидирувни давом эттирмоқдалар. Навбатдаги қудуқ ҳозиргисидан 10 километр нарида, Борсакелмас шўр ботқоғи чеккасида қазила бошланди.

редакция почтасидан

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ

УВОЛ ЭМАСМИ?

Ёқилғи-энергетика ресурсларига бой ўлкада яшаётганимиз билан фахрланамиз. Бир вақтлар сандалда исниб, примусда овқат пиширганимиз ёдимизда. Ҳозир эса электр дейсизми, табиий газ дейсизми — ҳаммаси муҳайё. Бироқ нарсанинг қадрига етмасдан, нобудгарчиликка йўл қўйиш бизга ёт бўлиши керак.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 4 март сонида босилган «Ёқилғи — катта бойлик» сарлавҳали мақолани ўқиб чиққанимдан кейин ўйлаб қолдим. Мақолада ёқилғидан иқтисодли тўғри фойдаланиш, тежамкорлик ҳақида гап боради. Дарҳақиқат, республикамиз боғларидан, дарахтзор ва ўрмонларидан чиқадиган ўтин миқдори озмунчами?! Афсуски, бундай табиий ёқилғи кўп ҳолларда ташлаб ёки куйдириб юборилади. Ахир бундай ўтин, шох-шабба бирон кун керак бўлади-ку! Маҳалламиздаги (Тошкент шаҳар Т. Жалилов кўчаси) нексa ўқитувчи Фатҳулла Иброҳимов, фабрика ишчиси Маргуба Набиевалар замонавий уйларда истиқомат қилишади. Шундай бўлса-да, дарахтлардан чиққан шох-шаббаларни эҳтиётлашади, қириб бир ерга саранжомлаб қўйишади. Нон ёпганда тандирга ёқишади.

Шаҳар ва қишлоқларимиз кўчаларида шох-шаббо, эшиклар олдида майда кўмир уйилиб ётганига кўзингиз тушади. Улар кўчалардаги саранжомлик, саришталикка раҳна соляпти.

Энди икки оғиз майда кўмир ҳақида. Илгари кўпчилик хонадонларда сандал бўлиб, майда кўмир солинарди. Ҳозир эса ҳаммаёқ газлаштирилган, сандалга эҳтиёж қолмаган. Шу туфайли қанчадан-қанча майда кўмирнинг ишлатилмай, ахлатга қўшиб ташлаб юборилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Исрофгарчилик-ку бу! Кўмир саноати мутасаддилари майда кўмирни аввал мазут қўшиб, думалоқлаб, кейин сотишга жўнатсалар, қандай бўларкин? Айтилганлар майда-чуйда нарсалар эмас. Балки халқ хўжалиги аҳамиятига эга йирик масалалардир.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

РАҲМАТ, ШИФОКОРЛАР

ШИРИН СЎЗ—ДАВО

Тошкентликман, 2-Қорақамиш массивидаги 18-уйда яшайман. Тўсатдан каттиқ оғриб қолдим. ТошМИ клиникасининг 1-хирургия бўлимида аудлик билан операция қилишди. Ичакларим буралиб қолган экан. Қўли енгил шифокорларинг доридармонлари ва меҳрибонликлари туфайли бир неча кунда асл ҳолимга қайтгандай ҳис қилдим ўзимни.

Бўлим мудири И. Зиганшин, даволовчи врач Ш. Маҳмудов ва ҳамшира Г. Ўсмоновларнинг ажойиб фазилатлари ҳақида П. Бондаренко, А. Ҳайдаров, Н. Сайдуллаев каби даволанувчилардан ҳам эшитган эдим. Ҳақиқатан уларнинг ширин муомалалиги, одамларга ғамхўрлиги беморларнинг барвақт соғайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу ерда пратиб берилган қулай шарт-шароитдан кўпчилик мамнун бўлаётир. Буни бўлим шифокорлари номига миннатдорчилик билдириб ёзилган хатлар мазмунидан ҳам билиш мумкин.

Н. ЮСУПБЕКОВ,
Улуғ Ватан уруши инвалиди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«БЕБАҲО ХОМ АШЁ»

Газетамизнинг шу йил 15 апрель сонида босилган юқоридаги сарлавҳали проблематик мақолада кейинги йилларда республикамиз колхоз ва совхозларида қуруқ мевалар ва майизлар етиштириш борасида анча иш қилинганлиги, шу билан бирга мева ва узум етиштиришда, айниқса майиз тайёрлашда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Ушбу мақола юзасидан ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ редакциямизга шундай мазмунда жавоб йўллаган:

— Министрлик мақолани ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади. Мақолада қуритилган меваларни кўпайтириш резервлари мавжудлиги тўғри ёритилган.

Яқин йилларда майиз етиштиришни янада кўпайтириш кўзда тутилмоқда, 1980 йилнинг ўзида 100 минг тонна майиз етиштирилади.

Министрлик қурук меваларни етиштириш кўпайтириш юзасидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқяпти.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтасига ёзилдилар:

Иштихон район (район партия комитетининг секретари А. Худойбердиев, район ижроия комитетининг раиси У. Йўлдошев, район комсомол комитетининг секретари И. Сафаров, бош пиллахона директори Ф. Абдуллаев).

Оҳангарон район (район партия комитетининг секретари К. Икромов, район ижроия комитетининг раиси А. Қосимов, район комсомол комитетининг секретари М. Бобохўжаев, бош пиллахона директори Т. Каримов).

Коммунистик район (район партия комитетининг секретари А. Алимов, район ижроия комитетининг раиси Н. Цой, район комсомол комитетининг секретари О. Толипов, бош пиллахона директори Б. Улуғхўжаев).

Наманган район (район партия комитетининг секретари Х. Охунов, район ижроия комитетининг раиси С. Тошпўлатов, район комсомол комитетининг секретари Д. Жўрабоева, бош пиллахона директори Т. Ворисов).

Косонсой район (район партия комитетининг секретари С. Каримов район ижроия комитетининг раиси А. Болтиҳўжаев, район комсомол комитетининг секретари Р. Мўйдинова, бош пиллахона директори А. Отамирзаев).

Мирзачўл район (район партия комитетининг секретари Б. Серяков, район ижроия комитетининг раиси Т. Оналбоев, район комсомол комитетининг секретари К. Бобоев, пиллачилик катта агрономи Б. Эшматов).

Пахтакор район (район партия комитетининг секретари Н Исроилов, район ижроия комитетининг раиси В. Пасюта, район комсомол комитетининг секретари Н. Пардаев, бош пиллахона директори С. Суннатуллаев).

Арнасой район (район партия комитетининг секретари А. Сойбназаров, район ижроия комитетининг раиси Н. Холмуродов, район комсомол комитетининг секретари К. Бозоров, пиллачилик катта агрономи М. Абдурахмонова).

Октябрь район (район партия комитетининг секретари М. Нишонов, район ижроия комитетининг раиси С. Назаров, район комсомол комитетининг секретари Ю. Аналбоев, пиллачилик катта агрономи Р. Ҳасанов).

Ильич район (район партия комитетининг секретари С. Отахонов, район ижроия комитетининг раиси Б. Мамадалиев, район комсомол комитетининг секретари Р. Элтоев, бош пиллахона директори А. Султонов).

Оқолтин район (район партия комитетининг секретари Ш. Тетуев, район ижроия комитетининг раиси Н. Фозилов, район комсомол комитетининг секретари Б. Ахмедов, бош. пиллахона директори А. Сафаров).

Хатирчи район (район партия комитетининг секретари Р. Махманов, район ижроия комитетининг раиси К. Искандаров, район комсомол комитетининг секретари М. Одилова, бош пиллахона директори М. Югай).

Москва район (район партия комитетининг секретари Н. Турсунов, район ижроия комитетининг раиси С. Ашуров, район комсомол комитетининг секретари Х. Мўминов, бош пиллахона директори М. Тўраев).

Тўрткўл район (район партия комитетининг секретари К. Нурумбетов, район ижроия комитетининг раиси А. Юсупов, район комсомол комитетининг секретари Д. Ҳолниёзов, бош пиллахона директори С. Юсупов).

Булунғур район (район партия комитетининг секретари И. Хидиров, район ижроия комитетининг раиси Р. Исоков, район комсомол комитетининг секретари Р. Абдурахмонов, бош пиллахона директори А. Тўраев).

Комсомолобод район (район партия комитетининг секретари И. Дадахонов, район ижроия комитетининг раиси Я. Мўминов, район комсомол комитетининг секретари Х. Акбаров, бош пиллахона директори Н. Ғаниев).

Биологик методга кенг йўл

БУ—ҲАММАНИНГ ИШИ

✦ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДА, РАЙОНЛАРДА БИОЛАБОРАТОРИЯЛАР, БИОФАБРИКАЛАР БЎЛСИН

✦ БИОФАБРИКАЛАР УЧУН МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ЛИНИЯЛАР «МИКОНД» ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

✦ БИОЛОГИК МЕТОД ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТЛАРНИ ЙЎҚОТИШДА АСОСИЙ ОМИЛЛАРДАН БИРИДИР

✦ БИОЛАБОРАТОРИЯ ҲАМДА БИОФАБРИКАЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИ ОЛИМЛАРИМИЗДАН ҚУЛЛАНМАЛАР КУТИШМОҚДА

Маълумки, республикамизда ғўза ва бошқа экинларнинг касалликлари, зараркунандаларига қарши курашда биологик методлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу методлар атроф муҳит ифлосланишини камайтириш имконини бераётир. Биологик методни кенг қўлланиб яхши натижаларга эришаётган хўжаликлар, район ва областлар оз эмас. Бунга Тошкент, Сурхондарё, Наманган, Фарғона, Андижон областларини ҳамда Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозини мисол қилиб келтириш мумкин. «Политотдел» колхозида кўпдан буён фойдали ҳашарот — трихограммани кўпайтирадиган механизациялашган линия ишлаб турибди. Хўжаликда биологик методларни қўлланиш туфайли ғўза зараркунандаларига қарши курашда заҳарли химикатлардан фойдаланиш анча камайди.

Шу кунларда Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозда ҳам механизациялашган линия ўрнатиш ишлари тезкорлик билан олиб бориляпти. Фойдали ҳашаротларни кўпайтирадиган бу линия яқин кунларда ишга туширилади. Шуни мамнуният билан айтиш лозимки, бундай механизациялашган линияларни Ўрта Осиёда биринчи бўлиб «Миконд» заводи ишлаб чиқара бошлади.

Ҳозирда республикамизда 180 га яқин биолаборатория ишлаб турибди. Биофабрикалар эса ҳозирча Тошкент, Наманган, Фарғона областларида мавжуд. Биофабрикалар сони тобора кўпайтирилаверилади, «Миконд» заводи коллективи эса улар учун лозим бўлган миқдорда механизациялашган линиялар етказиб беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида ғўза ва бошқа экинларнинг зараркунандаларига қарши курашда биологик методларни кенг қўлланиш алоҳида уқтириб ўтилган ва бу ишни бутун чоралар билан жонлантириш, барча областларда хўжаликлараро асосда биофабрикаларни вужудга келтириш керак, деб таъкидланган эди. Бундан мақсад икки-уч йил ичида барча хўжаликларда ҳосилни ҳимоя қилишнинг биологик методларини жорий этишдир.

Яқинда Жиззах областида бўлиб, ана шу муҳим ишга қандай эътибор берилаётгани ҳақида батафсил танишдик. Областда тўрт жойда биолаборатория ташкил этилган бўлиб, 1979 йилда шу лабораторияларда кўпайтирилган трихограмма билан 2,2 минг гектар пахтазорда биологик метод асосида зарарли ҳашаротларга қарши кураш олиб борилган. Бу умумий пахта майдонининг 1,6 процентини ташкил этади, холос.

Хўш, ўтган йилгу бу борада қаноатланарли натижага эришилмаган экан, эндиликда аҳвол қандай? Жиззах районидаги «Москва» колхози биолабораториясида бизга колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Асрор Эргашев ҳамроҳ бўлди. Лабораторияни кўздан кечирамиз.

— Ўтган йили 500 гектар пахта майдонидаги зарарли ҳашаротларни мана шу жойда кўпайтирилган трихограмма ёрдамида батамом йўқотдик. — дейди А. Эргашев. — Келгусида ҳамма экинзорларимизда ана шу усулни кенг қўллаймиз.

— Бу йилги режаларингиз қандай? — сўраймиз колхоз раисидан.

— 3600 гектар майдонда пахта етиштирямиз, —дейди колхоз раиси. — Шу майдонлардаги ғўза зараркунандаларини йўқотиш учун 3600 грамм фойдали ҳашарот—трихограмма керак бўлади. Ҳозирча 1500 грамм тайёр.

— Яна камида 500 грамм тайёрлаймиз, — суҳбатга қўшилди лаборатория мудири Норпўлат Рустамов. — Шундай қилиб, бу йил камида 2000 гектар майдондаги ғўза кушандасини биологик метод асосида йўқотамиз.

— Колхозимизда биофабрика ташкил этяпмиз, унга зарур ҳамма асбоб-ускуналар келтириб қўйилган, лекин бинонинг битиши қийин бўляпти, — дейди ташвишланиб колхоз раиси. — «Облколхозстрой»га қарашли 55-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари жуда сусткашлик қилишяпти, ишни чўзиб юборишди. Улар бизга янги бино қуриб бераётганлари йўқ, пиллахона сифатида фойдаланиб келинаётган бинони биофабрикага мослаштириб беришлари керак, холос. Биофабрикани ишга туширсак, у ерда камида 40 киши ишлайди. Шунда фақат ўзимизнигина эмас, районимиздаги бошқа хўжаликларни ҳам трихограмма билан таъминлай оламиз.

Яқинда область ижроия комитети мажлисида «Москва» колхозида бунёд этилиши керак бўлган биофабрика қурилиши ҳақида ҳам танқидий фикрлар айтилди. Шунда «Облколхозстрой»нинг бош инженери Сарвар Худоёров сўзга чиқиб:

— Биофабрика қурилишини ўн кун ичида охирига етказамиз, — деб ваъда берди.

Эртасига яна қурилишда бўлдик. Афсуски, ҳеч қандай ўзгариш бўлмабди.

Область ўсимликларни муҳофаза қилиш станцияси қошида биолаборатория ташкил этилган бўлиб, унга Нурия Ҳуснулина мудирлик қилар экан. Ихтиёрида тўртта ходими бор. Шунга қарамай бу ерда айтарли ҳеч қандай иш қилинмаган.

— Қиш бўйи бекор юрдик, — дейди Нурия Ҳуснулина. — Сабаби, лабораториямизда етарли шароит йўқ. Ҳозир ҳам шундай...

Областдаги ҳамма биолабораторияларда олиб борилаётган ишларга бош-қош бўлиб турадиган, уларга доимо амалий ёрдам кўрсатиши лозим бўлган марказий биолабораторияда аҳвол ана шундай.

Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг биолабораториясини ҳам кўздан кечирдик.

— Ғўза зараркунандаларига қарши курашда биологик методнинг аҳамияти беҳаҳо, кони фойда, — дейди совхоз директори Юсуф Товбаев. — Ўтган йили 500 гектар пахтазорда шу усулни қўллаган эдик. Бу йил эса 2000 гектарда қўллашни мўлжаллаяпмиз.

Совхоз биолабораториясида етарли шароит бўлишига қарамай, иккитагина бокс ишлатилаётган экан.

— Тез кунда боксларни кўпайтирамиз, биолаборатория иши билан шахсан ўзим шуғулланаман, — ваъда берди директор. — Яқин орада биолабораторияни кенгайтириб, биофабрикага айлантирамиз. Ана ўшанда ҳамма пахта майдонларида биологик методни кенг қўллашга муваффақ бўламиз.

Совхоз биолабораториясининг мудири Абдураззоқ Бегимқулов жуда муҳим проблемани ўртага қўйди.

— Биолабораторияларда ғўза зараркунандаларининг кушандасини яратиш ҳаммаси ҳам қўлидан келавермайди. Мана, масалан, мен ўрта маълумотли мутахассисман. Аввалига бу ишни ташкил этишда жуда қийналдим. Бошқа областларнинг биолабораторияларидаги ишлар билан танишишга тўғри келди. Олимларимиз биолаборатория ва биофабрика ходимларига ёрдам берадиган қўлланма яратиб, кўп нусхада босиб чиқарсалар яхши бўларди. Қўлланмага республикамизда бу борада тўпланган илғор тажрибалар ҳам киритилса, деган умиддамиз.

Маълум бўлишича, Жиззах областида шу пайтгача биолаборатория ходимларининг бирор марта ҳам йиғилишлари ўтказилмабди. Абдураззоқ Бегимқулов шу масалада ҳам сўз юритиб; «Вақти-вақти билан область миқёсида семинар-кенгашлар ўтказилиб, ўзаро тажриба алмашилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди», — деди.

Қисқача қилиб айтганда, ғўза ва бошқа экинлар зараркунандаларини йўқотишда прогрессив метод бўлган биологик методдан фойдаланиш Жиззах областида ниҳоят даражада қониқарсиз аҳволда экан.

Бу муҳим ишни тезкорлик билан амалга ошириш республикамизнинг барча областлари қатори Жиззах области партия ва совет ташкилотлари олдидаги ғоят масъулиятли вазифа бўлиб турибди.

Ҳ. МИРПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг катта маслаҳатчиси,
У. ЮСУПОВ,
Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ДЎСТЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ЯНГРАЙВЕРСИН!

ҚАРДОШЛИК ТОМИРЛАРИ

МИРМУҲСИН,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати

Бултур биз гўзал Озарбайжонда, улуғ Низомий Ганжавий ватанида бўлиш бахтига муяссар бўлганмиз. Талантли, меҳнатда қаҳрамон, кўнгли кенг, қардошлик қадрига етадиган инқилобий озар халқи ўзбек дўстларини муносиб кутиб олган. Озарбайжон тупроғида ўтган санъат ва адабиёт байрами кунлари ҳамон кўз олдимда. Бу қардошлик тантанаси ҳозир бизда, гўзал Ўзбекистон тупроғида кечмоқда. Агар сен шоирни билмоқ бўлсанг, унинг ватанига бор, деган ўтмишда улуғ алломалардан бири. Ҳа, мен жаҳондаги энг улуғ шоиру мутафаккирлардан бири Низомий Ганжавий мавзолейи пойида, Ганжа (Кировобод) шаҳрида унга атаб шеър ўқидим. Ўша кунги қардошлик митинги ҳеч қачон ёддан чиқмаяжак.

Ўзбекистонда қадим Навоий-ю Фузулий ниҳоятда кўп ўқиларди, мислсиз машҳур эди. Бу икки улуғ шоирни билмайдиганлар яхши зиёли ҳисобланмасди. Озарбайжону ўзбек, қалбан ғоятда яқин, асли бир, тили ҳам, дили ҳам бир ога-иниларидир. Бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд халқидир. Биз Фузулийни она тилида ўқиймиз. Биз, бир отанинг икки ўғлимиз. Ўзбек адабиётининг катта авлоди китоблари илгари Бокуда, бу гўзал ва муҳташам, қалби кенг шаҳарнинг Али Байрамов кўчасидаги босмахонада чоп этиларди.

Бизда Самад Вурғун, Сулаймон Рустам, Мирзо Иброҳимов асарлари ғоятда машҳурдир. Бу улуғ адибларни «Ўз адибим», дейди ўзбеклар. Мен, Тошкентда бир неча кун буюк санъаткор Булбул Мамедовни олиб юриб, шаҳримни кўрсатиш бахтига муяссар бўлганман. Мен Жаъфар Жабборли шеърларидан ёд олганман. «Қиз қалъаси», «Ўт келин» асарларининг муаллифи ёш қаламкашларимизнинг камол топишида катта хизмат қилган.

Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Уйғун, Ғайратийлар қатори улкан шоиримиз Мақсуд Шайхзода ўзбек шеъриятининг юксалишида тенгсиз хизмат қилди.

Ўзимнинг «Меъмор» романимда Озарбайжон халқининг улуғ шоири Саййид Имомиддин Насимийни тасвирладим, унинг ўлмас сиймосини яратишга ҳаракат қилдим. Феодаллар зулмини қораладим. Бу эса менинг озарбайжон халқига, унинг буюк сўз усталарига бўлган муҳаббатим белгисидир. Озарбайжонда янги дўстлар орттирдим, буюк адиб, озар ёзувчилари иттифоқи раиси Имрон Қосумов, унинг асарлари, нефтчилар жасоратини қаламга олиши бизга ибрат намунасидир. Адабиётларимиз ҳамкорлигини янада юксалтиришга интилаётган Имрон Қосумов ва Комил Яшин фаолиятини биз қувватлаймиз. Мен Ҳусейн Аббосзода, Байрам Байрамов, Анор, Элчин, Жобир Наврўз, Аҳад Мухтор каби талант эгалари, машҳур ёзувчилардан дўст орттирдим.

Озарбайжон бадиий адабиёт нашриёти менинг «Ақ мармер» китобимни нашр этди. Ҳикояларимни таржима қилган адиб Ю. Азимзода, О. Мансурзода, А. Зейналов, Т. Махмуд, С. Озорий ва Ф. Ризабаева қадрдонларимга миннатдорчилик изҳор этаман.

Қадрдон дўстлигимиз боқий бўлсин! Озарбайжон халқи омон бўлсин!

ЯНА ЧАЛИНГ ДУТОРНИ!

Вилоят РУСТАМЗОДА.

Адабиёт ва санъат кунлари йиғилишларидан бирида Комил Яшин дуторда қадим чиғатой куйини маҳорат билан ижро этди.

Кўпдан буён йўл тортади кўзларим,
Дўстларимдан ранг олади юзларим,
Кўпдир сизга айтадиган сўзларим,
Саф-саф бўлсин қардошларнинг қатори:
Яшин устод
Яна чалинг дуторни!
Гижжигласин Гўрўғлининг Ғироти,
Жам бўлишсин чиғатойлар элати,
Фарҳод — тоғдан чорлайлик биз Ҳиротни
Ошаверсин Навоийнинг виқори:
Яшин устод
Яна чалинг дуторни!
Расадхона, сўнгсиз само, зимистон,
Сирли юлдузларга боқиб-пол ҳайрон,
Самарқандни эсга олайлик бир он
Ҳеч қолмасин Улуғбекнинг гўбори:
Яшин устод
Яна чалинг дуторни!
Давра учун турфа гуллар узилсин,
Қадаҳларга қирмизи май сузилсин,
Дастурхонга саховатда тизилсин
Қашқадарё боғларининг анори:
Яшин устод
Яна чалинг дуторни!
Куйимиздек мусаффодир қалбимиз,
Самад Вурғун, Ғафур Ғуломла эгиз,
Иккови ҳам бизга жондайин азиз,
Қардошликдир кучимиз пойдевори:
Яшин устод
Яна чалинг дуторни!

Файзи ШОҲИСМОИЛ таржимаси.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

САНЪАТКОРЛАРИМИЗ ГУЛДАСТАСИ

Фикрат АМИРОВ,
СССР халқ артисти, СССР Давлат ва Озарбайжон ССР Давлат мукофотлари лауреати, республика Олий Советининг депутати

— Ўзбек халқи — санъатсевар халқ. Шунинг учун ҳам биз бу қуёшли диёрда ўтадиган республикамиз адабиёти ва санъати кунларига қизғин ҳозирлик кўрдик. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, Озарбайжон бастакорлари, санъаткорлари ўзбек томошабинлари учун муносиб бир гулдаста ҳозирлаб келишди. Бу гулдасталарга энг ноёб гуллар, назаримда, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, совет музика санъатининг йирик намояндаларидан бири бастакор Қора Қораевнинг «Етти гўзал» ҳамда «Чақмоқли сўқмоқлар» балетларидир. Бу асарларда эзгулик ва ёвузлик, инсонийлик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат ўртасидаги кураш ўз ифодасини топган. Айниқса, африкалик адиб П. Абрахамснинг «Чақмоқли сўқмоқлар» романи асосида яратилган шу номли балетда кўтарилган масалалар ва илгари сурилган ғоя кишини тўлқинлантиради.

М. Ф. Охундов номидаги Ленин орденли Озарбайжон давлат опера ва балет театри яқинда менинг «1001 кеча» балетимни саҳналаштирган эди. Бу асарга «Минг бир кеча» ривоятлари асос бўлган. Балет либреттосини таниқли озарбайжон адиблари Максуд ва Рустам Иброҳимбековлар яратган. Бу асар ҳам ўзбек томошабинлари эътиборига ҳавола этилади. Нозик таъб ўзбек томошабинлари «1001 кечанинг қандай қабул қилар экан, деган қаҳкондаман .Агар уларга асарим манзур бўлса, бошим кўкка етарди.

Яқинда «Озарбайжонфильм» киностудиясининг энг сўнгги асарларидан бири — «Брежнев Бокуда» тўлиқ метражли ҳужжатли фильми республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ёзувчи Имрон Қосумов, режиссёр Мухтор Дадашевларнинг самарали меҳнатлари туфайли юзага келган бу асар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Бокуга келиши, мана шу тарихий фактлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қуёшли диёримизнинг гуллаб-яшнаётганлиги ҳақида ихкоя қилинади. Ҳа, социалистик Озарбайжон равнақ топмоқда. Унинг санъати ҳам гуллаб яшнамоқда.

Озарбайжон кинематографияси тўрт йил бурун ўзининг олтмиш йиллигини тантанали нишонлади. Бугун кино санъатимиз босиб ўтган даврга назар солар экан миз, озарбайжон экран усталари ўзларининг энг яхши асарларида халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеаларни бадиий лента ларда яратишдек мураккаб ва машаққатли ҳаёт йўли, улуғ давримизга хос меҳнатдаги қаҳрамонлиги ва ютуқлари том маънода киносолномамизда ўз ифодасини топгандир.

1916 йил баҳорида ўша даврда оммавий бўлган «Баку» газетаси саҳифасида босилган эълон кўпгина кишиларнинг эътиборини тортди: «14 майдан бошлаб «Байограф» электро-театрида Боку нефть конларидаги бокувлик мусулмонлар ҳаётидан олинган «Нефть ва миллионлар салтанатида» кинофильми намойиш қилинади. Иброҳимбек Мусабеков повести асосида кинодрама».

Бошланиши шундай бўлганди. Режиссёр Б. Светловнинг Озарбайжон саҳнасининг ажойиб актёри Гусайн Араблинский иштирокидаги бу фильми Озарбайжон миллий киносининг қалдиргочидир.

Барча қардош республикаларидаги ҳамкасблари сингари Улуғ Ватан урушидан йилларида Озарбайжон кинематографчилари ҳам асосан совет киноларининг фронтда ва фронт орқасидаги қаҳрамонлиги ва жасоратини мадҳ этувчи ҳужжатли-хроникал лента лар ишлаш билан шуғулландилар. Бу даврда Боку киностудиясида бир нечта қисқа метражли лента лар, шунингдек, совет киносининг таниқли усталари Г. Александров, Р. Тахмасиб, М. Михайловлар билан ижодий ҳамкорликда «Бир оила» бадиий фильми яратилди.

...Урушнинг сўнгги йили эди. Ҳали совет тупроғидан четда шиддатли жанглар давом этарди. Лекин фронтдаги муваффақиятлар одамларда қувонч ва умид уйғотарди. Бу туйғу санъаткор қалбини ҳам эгаллаганди. Шундай қилиб, У. Ҳожибековнинг ажойиб комедияси —«Аршин мололон» иккинчи марта экранлаштирилди (реж. Р. Тахмасиб, Н. Лешенко). СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган картина муаллифлари бу халқ комедиясининг жозибасини сақлаган ҳолда, асарнинг миллий колорити ва ўткир юморини ифодалашга муваффак бўлдилар. «Аршин мололон» халқ маданияти ва санъатини туташтирган ҳолда совет кинематографиясининг энг яхши миллий анъаналарини давом эттирди. Фильмнинг муваффақиятини таъминлашда бош ролни ижро этган, кейинчалик таниқли қўшиқчи бўлиб танилган Рашид Бейбутовнинг ҳиссаси катта бўлди.

Озарбайжон кино санъатига 50-йилларнинг ўрталарига келиб янги тарихий саҳифалар ёзилди. «Қора қоялар» (реж. А .Кулиев), «Бир маҳаллалик икки йигит» (реж. Л. Сафаров) каби фильмларнинг экранлаштирилиши республикамиз ҳаётида катта воқеа бўлди.

Ажойиб совет кинорежиссёри Роман Кармен Имрон Қосумов сценарийси асосида қўйган ва Ленин мукофотига сазовор бўлган «Каспий нефтчилари ҳақида қисса», «Денгиз шунқорлари» кинолента лари, шунингдек, «Олис соҳилларда» (сценарий муаллифлари И. Қосумов, Г. Саидбейли, постановкачи Т. Тагизода) фильми санъатимизнинг сезиларли ютуқларидан эди.

Кейинги йилларда ҳам Иттифоқ томошабинлари эътиборига сазовор бўлган бир нечта картиналар ишланди.

Ҳа, ҳаётимизнинг ғоят муҳим проблемалари озарбайжон кинематографчиларининг ҳамиша диққат марказида. Қейинги даврда яратилган «Бу жанубий шаҳарда», «Кун ўтди», «Туғилган кун», «Мени севишингни айт», «Сўроқ» каби фильмларда кўтарилган янги инсоний моҳиятга эгалик ва ёшлар ва ишлаб чиқариш, коммунистик ахлоқ масалалари томошабинларда ҳам катта таассурот қолдирди.

Кинематографиямиз равнақида қардош республикалар кино санъати тараққиёти, тажрибалари ҳамиша етакчи омил бўлиб келмоқда. Серқуёш Ўзбекистонда ўтаётган республикамиз Адабиёти ва санъати кунларида таниқли ўзбек кинематографчилари билан суҳбатлашиб, фикр ва тажриба алмашмоқдамиз. Бу, шубҳасиз келгусидаги ижодий ишларимизда муҳим аҳамият касб этади.

ҚИНОҲУЗГУДАГИ ҲАЁТ

ИЗЛАНИШ ШИОРИ БИЛАН

Ориф АЛИЕВ,
Озарбайжон ССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари.

«Насимий» фильми санъат ихлосмандларининг севимли асарларидан бирига айланиб қолди. Суратда: шу фильмдан кадр. Насимий ролида — таниқли санъаткор Расим Балаев.

* * *

Таниқли озарбайжон адиби, республика Давлат мукофоти лауреати Анорнинг асарларини китобхонларимиз севиб ўқишади. Анор нафақат ёзувчи, балки моҳир киносценарист ҳамдир. Суратда: сиз янги фильмни суратга олиш жараёнини кўриб турибсиз. Анор (чапдан иккинчи) режиссёр ва артистлар даврасида.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЯНГИ ФОРМАСИ — ТЕЛЕВИЗОРЛАРГА АБОНЕМЕНТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Абонемент хизмати кўрсатишга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва 10 йилдан ортиқ ишлатилмаган, кинескопи ишга яроқли телевизорлар қабул қилинади.

Телевизорларга абонемент хизмати кўрсатиш учун район телевизион ательесида ёки радио механикни уйга чақириш йўли билан шартнома тузиш мумкин:

ТЕЛЕВИЗИОН АТЕЛЬЕ ЎЗ ЗИММАСИГА ҚУЙИДАГИ КАФОЛОТЛАРНИ ОЛАДИ:

— биринчи галда бепул техника хизмати кўрсатиш ва бузилган тақдирда барча бузуқ деталлар ва узелларни алмаштириш билан телевизорни ремонт қилиб бериш (кинескопни алмаштириш ҳам шу ҳисобда);

— телевизор эгалари билан келишилган муддатларда бепул профилактик кўриздан ўтказиш, телевизор узелларини созлаш ва тозалаш (камида йилда 2 мартаба);

— телеателье транспортида телевизорни бепул стационар устахонага олиб бориш ва уни қайта уйга элтиб бериш.

Телевизорни ремонт қилиш зарурати ҳақидаги буюртма биринчи галда буюм эгаси билан келишилиб белгиланган муддатда кун ва соатда бажариб берилади.

АБОНЕМЕНТ ҚИИМАТИ:

Оқ-қора тасвирдаги телевизорларга кинескопининг ҳажмига қараб бир йилга 8 сўмдан 12 сўмгача, рангли тасвирдаги телевизорларга — 66 сўм.

Абонементга эга бўлиш билан сиз фақат ҳар қандай бепул ва навбатсиз ремонтгагина эмас, балки исталган бузуқ деталин алмаштириш, кинескоп ҳам шу ҳисобда, бепул транспорт хизмати кўрсатилиши ҳуқуқини қўлга киритасиз.

Бу эълонни яна бир бор диққат билан ўқиб чиқинг, оила даврасида маслаҳатлашиб кўринг ва телевизорларингизга абонемент хизмати кўрсатилиши учун биз билан дадил шартнома тузинг.

АБОНЕМЕНТ ХИЗМАТИ ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ ВА ФОЙДАЛИ!

Абонемент — бу хизмат кўрсатишнинг замонавий формаси бўлиб, телевизорингиз бенуқсон ва узлуксиз ишлаши гарантиси, у телевизордан узоқ муддат фойдаланишга имкон беради!

ТЕЛЕВИЗИОН АТЕЛЬЕЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ:

Чилонзор район ательеси (Чилонзор ва Акмал Икромов районларига хизмат қилади)— **оқ-қора ва рангли телевизорларни ремонт қилади.** Пионер кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 77-10-73, 77-27-05, 77-65-57.

Ленин район ательеси (Ленин ва Фрунзе районларига хизмат қилади) — **фақат оқ-қора тасвирли телевизорларни ремонт қилади.** Кафанов кўчаси, 65-уй (Госпиталь бозори қаршисида). Телефон: 56-68-75.

Рангли тасвирли телевизорларни ремонт қилишга ихтисослашган «Цвет» телеательеси (Фрунзе, Ленин, Ҳамза ва Сергели районларига хизмат кўрсатади) — Б. Хмельницкий кўчаси, 40 «а»-уй. Телефонлар: 53-36-71, 53-40-82.

Октябрь район ательеси—оқ-қора ва рангли тасвирли телевизорлар ремонт қилинади. Навоий кўчаси, 16-уй. Телефонлар: 41-54-23, 41-59-91, 41-58-81.

Куйбишев район ательеси — оқ-қора ва рангли тасвирли телевизорлар ремонт қилинади. Новомосковская кўчаси, 31 «а»-уй. Телефонлар: 35-34-10, 35-08-07.

Киров район ательеси — оқ-қора тасвирли телевизорлар ремонт қилинади. Энгельс кўчаси, 98-уй. Телефон: 35-08-51.

Рангли телевизорлар ремонти — Юнусобод массиви, В-4, Аҳмад Дониш кўчаси, 8-уй. Телефон: 24-95-77.

Ҳамза район ательеси — оқ-қора тасвирли телевизорлар ремонт қилинади. Лисунов кўчаси, 17-уй. Телефон: 96-38-71

Собир Раҳимов район ательеси — оқ-қора тасвирли телевизорлар ремонт қилинади — 1/1-Қорақамиш массиви (Маиший хизмат уйи). Телефон: 48-54-57.

Рангли тасвирли телевизор ремонти — 1/2-Қорақамиш массиви (Маиший хизмат уйи).

Сергели район ательеси — оқ-қора тасвирли телевизорлар ремонт қилинади. Спутник шаҳарчаси, 9-квартал (Маиший хизмат уйи). Телефон: 53-85-88.

Рангли тасвирли телевизорлар ремонт қилинади — Спутник шаҳарчаси, 7-квартал (Маиший хизмат уйи).

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

52-ЛЕНИНГРАД ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
«ЮКСАК МАДАНИЯТ БИЛИМ ЮРТИ» ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга 14 ярим ёшдан 16 ярим ёшгача бўлган 8-синф ҳажмида маълумотли мамлакатимизнинг турли областларидан келган қизлар қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул қилинадилар:

сувоқчи, облицовкачи-плитачи (ўқиш муддати 3 йил), **архитектура деталларини ясовчилар** (бу мутахассислик бўйича расм солишдан имтиҳон ўтказилади. ўқиш муддати 3 йил), **бўёқчи** (ўқиш муддати 3 йил), **сувоқчи** (бадиий безаш бўйича, ўқиш муддати 3 йил).

Билим юртини тугатгач. битирувчиларга эгалланган касб бўйича диплом ва ўрта маълумот ҳақидаги аттестат берилади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши лозим: ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, 6 та фотосурат, яшаш жойидан справка, оила аъзолари ҳақида справка, 286 медицина картаси, эмлаш ҳақидаги справка (63-форма), пропискадан ўтганлиги ҳақидаги справка.

Ўқишга қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўладилар: қулай шарт-шароитлар яратилган ётоқхона, овқат, кийим-бош, шаҳар транспортида бепул юриш, шунингдек барча турдаги маданий-маиший хизматлардан текинга фойдаланадилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ишлаб чиқаришдаги иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртини тамомлаганлар иш билан таъминланадилар ва уларга Ленинградда турар жой берилади.

Ҳужжатларни билим юрти директори номига жўнатиш ёки топшириш лозим.

Бизнинг адрес: 198020, Ленинград. Обводный канал, 154«а»-уй. Телефонлар: 252-58-41, 252-70-70.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
І-ТОШКЕНТ ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ
1980—1981 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ишлаб чиқариш жиҳозларини монтаж ва ремонт қилиш, металларни кесиш усули билан совуқ ҳолда ишлаш, саноат ва граждан қурилиши.

ЎҚИШ МУДДАТИ: кундузги бўлимида ўрта маълумотлилар учун 2 йилу 10 ой, сиртқи бўлимида эса 3 йил.

Техникумга 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган (сиртқи бўлимга қабул қилинганларнинг ёши эътиборга олинмайди), ўрта маълумотлилар слесарь, токарь, қурилиш ҳунарларининг биридан камида 3 разрядли бўлиб, ГПТУни битиргандан сўнг камида бир йиллик стажлари бўлган кишилар қабул қилинади.

Техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимига ишлаётган ўқувчилар 1 августдан 20 августгача— математика, рус тили ва таллаган ҳунарлари бўйича разрядга кириш имтиҳонлари топширадилар.

ҚУНДУЗГИ БЎЛИМГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР: кунига уч маҳал овқат, ёзги ва қишки кийим, иш кийими, ҳунар кийими, дам олиш ва иш вақтида кийиладиган оёқ кийими, ётоқхона (бошқа шаҳардан келганлар учун), стипендия.

ДИРЕКТОР НОМИГА АРИЗАЛАР КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 14 АВГУСТГАЧА, СИРТҚИ БЎЛИМГА 10 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: меҳнат дафтарчасидан нусха, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат (бош кийимсиз).

Туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, 4-Сарикўльская тупиги, 1-уй.

І

159-ҚИШЛОҚ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—1981 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мева-сабзавот устаси, уста соҳибкор, уста боғбон, уста чорвадор, кенг профилли автослесарь ишларини бажара оладиган ва автомобиль ҳайдайдиган тракторчи-машинист. Ўқиш муддати — 3 йил; 3-классли тракторчи, Ўқиш муддати — 1 йил; тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонти бўйича слесарь-механик, Ўқиш муддати — бир ярим йил.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

3 йиллик ўқишни битирганларга билим юртини тамомлаганлиги тўғрисида диплом, 1 йил муддатли ўқишни тамомлагандарга билим юртини тугатганлиги тўғрисида аттестат ва тракторчи гувоҳномаси берилади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ўқиш даврида ўқувчилар бепул кийим-кечак ва уч маҳал иссиқ овқат, ётоқхона билан таъминланадилар, стипендия тўланади ва ўқиш даври иш стажига қўшилади.

Ўқишни аъло баҳолар билан тамомлаганлар техникум ва олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ўқишга юборилмайдилар.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Галаба райони, «Огонек» совхоз-заводи («Қўйлиқ — Солдатское», «Янгийўл — Тўйтепа» оралиғида қатновчи автобусларнинг «Огонёк» совхоз-заводи» бекати).

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/VI да **Паранжи сирлари**, 7/VI да **Кулги кечаси.**

Ўзбекистон ССР прокуратураси коллегияси ва коллегиви республика прокуратура органларининг кекса ходимларидан бири, Андижон область прокуратурасининг бўлим бошлиғи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, республикада хизмат кўрсатган юрист

Эшон НИШОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 —Буратино кўғирчоғи. 10.35 — Карл Маркс. Навқиронлик йиллари. Бадиий фильм, 4-серия. 11.40 — Концерт. 12.05 — Адабий ўқишлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.30 — Шахмат мактаби. 16.30 — Биз ва уддала. 17.45 — Еш спортчининг катта майдони. 17.55— Москва ва москваликлар. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — Карелия АССР «Кантеле» давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Концерт-вальс. 20.25 — Карл Маркс. Навқиронлик йиллари. Бадиий фильм. 5-серия. 21.30 — Время. 22.05 — А. С. Пушкин туғилган кунинг 181 йиллигига. 22.40 — Дунё воқеалари. 22.55 —Пушкин гулчамбари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

І

11.30 — Болалар учун концерт. 12.00 — Биология. 12.30 — Бадиий ўқиш. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Ешлик. 18.45 — Меҳнаткашларнинг дам олишига давлат ғамхўрлиги. 19.15 — Ноз-неъмат бунёдкори. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Дворжак куйи. Бадиий фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35 — Ҳ. Олимжон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар.

ІІ

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Янги марралар сари. 20.55 — Математика. 21.55 — Ювош нелинчак. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 —Ўзбек халқ куйлари. 9.30— Озарбайжон қўшиқлари. 12.10 —Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Илғор тажриба мактаблари маршрути бўйлаб. 13.30 —Озарбайжон композиторларининг эстрада куйлари. 14.00 —Шоликорлар мўл ҳосил учун курашда. 16.00 —Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари адабий кечасининг очилиши ҳақида репортаж. 16.25 — —Концерт. 18.30 —Снесня бўлимлар радиоуниверситети. 18.45 —Юнусжон Ўзбекистонда. 19.45 —Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларининг кундалиги. 20.25 —СССР халқ артисти Р. Бейбутов куйлайди. 20.50 —Аҳолига граждан мудофаси ҳақида. 21.00 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 22.30 —А. С. Пушкин. Дубровский. Радиопостановка. 23.30 —Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси. 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-55-53, 33-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-28; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-33; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси.

Р. — 03034. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. —130 7